**Kalit so'zlar:** boshlang'ich ta'lim, o'qish darsi, topishmoq, mustaqil fikrlash, taqqoslash, umumlashtirish, lug'at boyligi, hozirjavoblik.

**Annotation.** This article addresses the issue of teaching students to think independently in puzzle reading lessons in primary education. It shows the stages of students' thinking in working on puzzles.

**Keywords:** primary education, reading lesson, riddle, independent thinking, comparison, generalization, vocabulary, responsiveness.

**Аннотация.** В этой статье рассматривается проблема обучения учащихся самостоятельному мышлению на уроках чтения головоломок в начальной школе. Показаны этапы мышления учащихся при работе над головоломками.

**Ключевые слова:** начальное образование, урок чтения, загадка, самостоятельное мышление, сравнение, обобщение, лексика, отзывчивость.

Mamlakatimizda har bir sohada ulkan islohotlar amalga oshirilayotgan sharoitda mustaqil fikrlovchi yoshlarga bo'lgan talab davr taqozosidir. Chunki shaxsiy dunyoqarashga ega bo'lgan insonlargina jamiyat taraqqiyotini ta'minlovchi muvaffaqiyatlarga erishishga qodir bo'ladilar. Respublikada olib borilayotgan davlat siyosatining bosh omillaridan biri ham mustaqil fikrlovchi, keng dunyoqarashga ega, iqtidorli, barkamol shaxslarni kamol toptirish va tarbiyalashdir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Yoshlarimizning mustaqil fikrleydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz."<sup>21</sup>

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil fikrlashga, muammolarni mustaqil ravishda hal qila bilishga o'rgatish ta'lim samaradorligini oshirishning muhim omilidir. Modomiki, shunday ekan, ta'lim jarayonini shunday tashkil etish kerakki, toki o'quvchilar bilim olish bilan

<sup>21</sup> Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – T.: "O'zbekiston", 2016, 14-bet.

birgalikda, ta'lim jarayonining obyekti bo'lib qolmasdan, balki o'qituvchining teng hamkoriga aylansin.

Bolaning ongi va tafakkuri endi shakllanib kelayotgan boshlang'ich sinflarda o'qituvchining mahorati, uning zamonaviy texnologiyalarni ta'lim jarayoniga mohirona tadbirga eta olishi, ta'limning yangi-yangi yo'l va usullarini izlashi, ilg'or pedagogik tajribalardan ijodiy foydalana olishi juda muhimdir. Shuning uchun ham boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil fikrlashga o'rgatishda xalq o'z g'azaki ijodi janrlaridan biri bo'lmish topishmoqlardan foydalanish muhimdir.

Topishmoqlar narsa yoki hodisalarning ataylab yashirilgan belgisi, shakli, xatti-harakati, holati va vazifasini boshqa narsa yoki hodisalarga qiyoslash asosida topishga asoslangan she'riy yoki nasriy tuzilishdagi savol va topshiriqlardir. Topishmoqlar xalq turmushi bilan chambarchas bog'liq holda yaratiladi. Ularning zaminida kishilarning qadimiy e'tiqod va tasavvurlari, olamni bilish va idrok etishga bo'lgan intilishlari yotadi.

Topishmoqda yashirilgan narsalar uning javobi hisoblanadi. Topishmoqning javobini topish uchun topishmoq matnini e'tibor bilan o'qish, nimaga ishora qilinayotganligini fahmlash, topishmoqning asosiy xususiyat va belgilari aynan nimaga qaratilganligini taxmin qilish bilan ham topishga harakat qilish kerak.

Topishmoq o'quvchilarni topqirlik va hozirjavoblikka o'rgatadi. Shu sababli xalq o'z g'azaki ijodining bu janriga boshlang'ich sinf "O'qish kitobi" darsliklarida ham keng qo'llanilgan.

1-2-sinf "O'qish kitobi"da topishmoqlar ko'proq, har bir matn ostida keltirilgan. Bundan ko'zlangan maqsad matn mazmunini topishmoqlar asosida ham o'zlashtirilishiga erishishdir.

1-sinf "O'qish kitobi" darsligining Xalq o'g'iti - baxt kaliti" bo'limida "Topishmoqlar" ruknida 10 ta topishmoq berilgan. Bu topishmoqlar meva-sabzavotlar, kundalik maishiy hayotga oid predmetlar haqidadir. Chunki o'quvchilar bu topishmoqlarda yashiringan narsa-buyumlarni har kun ko'radilar. Ba'zilarini suyub iste'mol qiladilar. Shu predmetlar haqidagi topishmoqlar bilan tanishganlaridan so'ng ular mazkur predmetlarga e'tiborli bo'lishadi hamda uning yana qanday yashirin belgilari borligini bilib olishga qiziqadilar:

Kichkina dekcha,  
Ichi to'la mixcha.  
Yer tagida oltin qoziq,  
U hammaga bo'lar oziq.  
Pishsa bemaza,  
Pishmasa maza.

Bolalarga topishmoq aytish, bu shunchaki o'yin emas, balki ularni obrazlar yordamida mantiqiy fikrlashga undash, tevarak-atrofnii ziyraklik bilan kuzatishga, bir- biriga o'xshash narsalarni zukkolik bilan topishga, qiyoslashga va ayni paytda har birining o'ziga xos belgisini ajrata bilishga o'rgatishdir. Eshituvchi bola topishmoqdagi odamning xayoliga kelmagan, g'aroyib o'xshatish va ta'riflardan ajablansa, javob topilganida undan-da ortiqroq hayratga tushadi. Nega? Chunki endi bola o'zini hayratga solib, tasavvuriga sig'dirolmayotgan turli qiyoslar, ayni paytda nihoyatda to'g'riligidan, o'xshashligidan ko'proq ajablanadi. Bu hayratlanish avvalgisidan farqli, bolaning o'zi uchun biror yangilik kashf etib, qanoatlanish hissini tuyishi bilan ham muhimdir.

Bolaga topishmoq aytishning ham o‘ziga yarasha qoidalari bor. Ya’ni, kattalar topishmoqni aytgach, agar bola javobni topishga qiynalsa, bir fursat o‘tkazib, unda yashirilgan narsani ishorali tarzda aytib o‘tishlari joiz. Bu bola topishmoqning javobini qayerdan qidirish kerakligini aniqlashtirib olishiga turtki bo‘ladi. Masalan, quyidagi topishmoqda yashiringan narsaning qiyofasi, alohida belgisi qiyoslanadi:

Ustidagi ko‘ylagi,

Xuddi qog‘ozga o‘xshar.

To‘g‘rasang, jahli chiqib,

Ko‘zingni darrov yoshlar.

Topishmoqlarda bir narsaning bir emas, bir necha belgilari, ikkinchi narsaga taqqoslanishi ham mumkin. Masalan, “Yer ostida oltin qoziq” topishmog‘ida sabzining shaklan qoziqqa o‘xshashi, uning rangi oltinni eslatishi va yer ostida o‘sishi uyg‘un tarzda qayd etilgan.

Soya haqidagi topishmog‘i ham bolani jiddiy fikrlashga, izlanishga undaydi:

Bolta bilan chopilmas,

O‘zi nursiz topilmas.

Topishmoq aytilishi bilan tinglovchining xayolida darhol toshday qattiq, po‘latdek mustahkam narsa gavdalanadi. Bunga sabab topishmoqdagi yashirin narsaning qattiq jismga o‘xshatilib, “bolta bilan chopilmas” deb, harakatning inkor ma’nosini bildiruvchi so‘z qo‘llanganidandir. Topishmoqning keyingi misrasida yashirin narsaga bir qadar oydinlik kiritilgan, ya’ni, uning bo‘lishida «nur»ning o‘rni muhimligi ta’kidlanmoqda. Tinglovchi ana shu oydinlikka tayanib, topishmoqning javobini izlaydi. Kattalar bolaga topishmoqning javobini quyidagicha eslatishi va javobni birgalikda izlashi mumkin: “Sen yaxshi bilasan, quyoshli kunda ko‘chada ketayotganingda u sen bilan birga yuradi” yoki “O‘ylab ko‘r, salqin havoda u ko‘rinmaydi, quyoshli kunda esa senga ergashib yuradi”.

Har bir topishmoqning javobi aniqlangach, u tasvirlanayotgan o‘xshatish va ta’riflarga solishtiriladi. Jumladan, soyani hech narsa bilan chopib bo‘lmaydi, tutib bo‘lmaydi, ammo nur bo‘lmasa, soyani topib bo‘lmaydi, deb aniqlikda ko‘rsatilsa, bolalar topishmoqdagi yashirin narsaga xos xususiyatlar to‘g‘ri ko‘rsatilganini, zukkolik bilan yashirilganining guvohi bo‘ladilar. Shu tariqa topishmoqlarning javobini topishga o‘rganadilar.

Topishmoq bolalarni obrazli va aniq so‘zlashga o‘rgatishni osonlashtiradi. Topqirlik, aqliy faollik kabi holatlarini rivojlantirish imkonini beradi.

Boshlang‘ich ta’lim jarayonida o‘quvchilarga topishmoqlarni o‘rgatishdan ko‘zlangan asosiy maqsad va vazifalar quyidagilardir:

1. O‘quvchi topishmoqlarni o‘rganish jarayonida olgan bilimlarini o‘zlashtirishga nisbatan ichki ehtiyoj hamda qiziqishning paydo bo‘lishga erishish.

2. O‘quvchiga topishmoqlar mazmuni tarkibida axloqiy tarbiyaga doir bilimlarni berish.

3. O‘quvchilar tomonidan topishmoqlar borasidagi bilimlarni puxta va chuqur o‘zlashtirish uchun muayyan shart-sharoitlar yaratish.

4. O‘quvchilar tomonidan topishmoqlar borasidagi bilimlarining chuqur o‘zlashtirishiga erishish.

5. Boshlang‘ich ta’lim hamda topishmoqlar borasidagi bilimlar asosida o‘quvchilarning mustaqil fikrlashlariga erishish va ularda axloqiy sifatlarini boyitish.

Topishmoqlar o'qish darsi mashg'ulotida o'tilayotgan mavzuga ham muvofiq bo'lishi kerak. Aks holda bolaning diqqati chalg'iydi va ko'zlangan maqsadga erishish qiyin kechadi. Topishmoqlar ustida quyidagi tarzda ish olib borgan ma'qul: topishmoqda ko'rsatilgan narsa va hodisa belgilarini tushunib olish, ya'ni tahlil qilish;

- bu belgilarni bir-biriga taqqoslash va umumlashtirish;

- aniqlangan belgilar asosida xulosa chiqarish, ya'ni topishmoqning javobini topish.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari topishmoq matni ustida ishlashda quyidagilarga e'tibor berishi lozim:

Ko'pincha bolalar javob berishga shoshilib, topishmoqni oxirigacha eshitmaydi, uni har tomonlama batafsil tushunib yetmaydi. Ularning diqqati matndagi birorta belgiga bogdanib qoladi. Xulosani ular faqat shu yagona belgi asosida, qolganlarini e'tiborga olmagan holda chiqaradilar. Topishmoqni topish uchun muhim bodgan belgi esa e'tiborga olinmaydi. Bunday vaqtda topishmoqni topish qiyinlashadi.

Topishmoq yechishda uning ma'nosini bolalarning yaxshi tushunib olishiga, izchillik va tartib bilan fikr yuritishiga harakat qilish kerak. Bunda fikr yuritish tartibi quyidagicha bo'lishi mumkin:

- 1) umumiy ko'rinishda nimani qidirishni aniqlash;
- 2) qolgan hamma belgilarni aniqlash;
- 3) taxmin qilinayotgan yechimni keltirish;
- 4) aniqlangan belgilarni birlashtirish;
- 5) xulosa chiqarish.

O'qituvchi topishmoqlarni ifodali tarzda bayon etadi, bolalar aytilayotgan narsa-buyumning hamma belgilarini eslab qolishlari uchun matni qaytaradi. Savollar yordamida bolalarning e'tiborini belgilarga va ular orasidagi aloqaga qaratish kerak.

Bir narsa haqida turli topishmoqlar aytilishi bolalar lug'atini boyitish imkonini beradi.

Ko'rinadiki, boshlang'ich sinf o'quvchilarini mustaqil fikrlashga o'rgatishda topishmoq o'qish darslarining imkoniyatlari keng. Bu darslarida o'quvchilar bilan topishmoq matni ustida ish olib borish ularning idrok qilishlari, mustaqil fikrlashlarida vosita bo'ladi. Shunday ekan, boshlang'ich sinf o'qituvchisi topishmoq o'qish darslarini

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev Sh. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.-Toshkent: "O'zbekiston", 2016.
2. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. – Toshkent, "Nosir", 2009
3. G'afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. O'qish kitobi. 1-sinf uchun darslik.- Toshkent: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2019.

**Jumaniyozova Muhabbat Xo'sinovna**  
**Filologiya fanlari nomzodi, dotsent,**  
**Nuraddinova Roviya Sul-tonovna**  
**o'qituvchi**  
**(Urganch, O'zbekiston)**

## **MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA NUTQ O'STIRISH MASHG'ULOTLARINI SAYOHAT TARZIDA TASHKIL ETISHNING METODIK JIHATLARI**

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada maktabgacha ta'lim tashkilotlarida nutq o'stirish mashg'ulotlarini sayohat tarzida tashkil etishning metodik jihatlari bayon qilingan. Unda tarbiyachining sayohat paytida bolalar tafakkurini rivojlantirish, nutqini o'stirish, lug'atini boyitish bo'yicha olib boradigan faoliyatining metodik shartlari ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar.** Maktabgacha ta'lim, maktabgacha ta'lim tashkiloti, nutq, nutq o'stirish, mashg'ulot, sayohat, savol-javob, lug'at boyligi.

**Аннотация.** В статье описаны методические аспекты организации речевого обучения в дошкольном образовании в форме путешествий. Описаны методические условия работы воспитателя по развитию мышления детей, развитию речи, пополнению словарного запаса во время поездки.

**Ключевые слова.** Дошкольное образование, организация дошкольного образования, речь, развитие речи, обучение, путешествия, вопрос-ответ, лексика.

**Annotation.** This article describes the methodological aspects of the organization of speech training in preschool education in the form of travel. It describes the methodological conditions of the educator's work during the trip to develop children's thinking, speech development, vocabulary enrichment.

**Keywords.** Preschool education, preschool education organization, speech, speech development, training, travel, question-answer, vocabulary.

Hozirgi davrda milliy tiklanishdan milliy yuksalishga tamoyili asosida taraqqiy etayotgan mamlakatimizda ta'lim tizimining birinchi bo'g'ini- maktabgacha ta'lim rivojining zamonaviy bosqichi bir qator o'zgarishlar bilan tavsiflanadi: maktabgacha ta'lim ochiq turdagi ta'lim tashkiloti sifatida shakllandi; maktabgacha ta'lim tashkilotlarining eng muhim vazifasi bolalarning hayotiy faoliyatini muhofaza qilish va salomatligini mustahkamlash; tarbiyalanuvchilarni maktab ta'limiga muvaffaqiyatli tayyorlash kabilar hisoblanadi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotida ta'lim berish samaradorligini oshirish, bolalarni mustaqil ta'lim olishga (maktab ta'limiga) tayyorlash, yangi jamiyatning ongli quruvchilarini tarbiyalash kabi muhim va hayotiy vazifalarni hal qilishda ona tili asosiy o'rin egallaydi.

Nutq inson hayotida juda muhim o'rin egallaydi. U bolaga inson madaniyatining barcha yutuqlarga yo'l ochadi. Nutqni egallab olishning muhim bosqichlari maktabgacha ta'limga to'g'ri keladi. Shu bois maktabgacha ta'lim tashkiloti sharoitida ta'lim-tarbiya ishini tashkil etishning mazmuni, shakl, metod va vositalar hamda maktabgacha ta'limda bolalarning yosh va



o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda ularning har tomonlama uyg'un rivojlanishini ta'minlash dolzarb ilmiy-metodik masalalardan biri hisoblanadi. Binobarin, maktabgacha ta'limda bolalar nutqini o'stirish muhim metodik muammo bo'lib, u bolalarda og'zaki nutqni rivojlantirish tamoyillari, unga qo'yilgan talablar, usul va shakllarini tadqiq qilishni taqozo etadi.

Maktabgacha ta'limda bolalar og'zaki nutqi, uning atrofdagilar bilan nutqiy muloqoti ko'nikmalarini shakllantirish nutq o'stirish mashg'ulotlarining asosiy maqsadi hisoblanadi. Bu esa nutq o'stirish mashg'ulotlarini samarali tashkil qilishning muhimligini belgilaydi.

Bolalarni erkin muomalaga o'rgatish quyidagi faoliyatlar jarayonida amalga oshiriladi: a) maishiy faoliyatda (ertalabki kiyim almashtirishda, kiyinishda, ovqatlanish jarayonida, yuvinishda va hokazo); b) sayr vaqtida; d) o'yin jarayonida; e) tevarak-atrof bilan tanishtirishda (ijtimoiy hayot va yilning turli fasllaridagi tabiat bilan); f) mehnat jarayonida (xo'jalik-maishiy, qo'l mehnati); g) bayram tadbirlari vaqtida; h) boshqa mashg'ulotlarda (elementar matematik tasavvurlarini shakllantirish, rasm, qurish, yasash, qirqib-yelimlash, jismoniy tarbiya, musiqa).

Nutq, muloqot, o'qish va yozish malakalari maxsus mashg'ulotlarda hamma guruhlarda shakllantiriladi. Bola nutqini rivojlantirishning asosiy vositalaridan (shakllaridan) biri bu ta'limdir. Nutq o'stirish mashg'ulotlarida bola o'z nutqini tarbiyachining namunaviy nutqi bilan taqqoslashga, boshqa bolalar bilan o'quv materialini bajarishga, ya'ni tarbiyachining tushuntirishini, hikoyasini tinglashga, birgalikda rasmlarni, multfilmlarni ko'rishga, suhbatlashishga, didaktik o'yinlarda ishtirok etishga, birgalikda kuylashga, musiqa tinglashga, ma'lum bir obyektga diqqatini qarata olishga, navbat bilan gapirishga o'rganadi. Bolalar mashg'ulotda yangi bilimlar (voqea va hodisalar o'rtasidagi bog'lanishlarga taalluqli so'zlar, nutqning grammatik shakllari) bilan tanishadilar, tarbiyachining nutqiy ko'rsatmasi orqali o'quv ishlarini bajarishga, o'z ishlariga baho berishga o'rganadilar.

Nutq o'stirish mashg'ulotlarini tashkil qilishga innovatsion yondashuv asosida uni ekskursiya (sayohat) tarzida ham tashkil mumkin. Bunda nutq o'stirish mashg'ulotlari MTT dan tashqarida sayohat shaklida uyushtiriladi. Bunday sayohat-mashg'ulotlar MTT ga yaqin ko'chalarga, oziq-ovqat va sabzavot do'konlariga, hiyobon va bog'larga, kutubxona va muzeylarga, ishlab chiqarish korxonalariga uyushtirilishi mumkin. Bu sayohatlardan ko'zlangan maqsad bilimlarni puxta egallash, ko'rgan va kuzatgan voqea-hodisalarni uzoq vaqt xotirada saqlash, bolalar lug'at zahirasini kengaytirish, ularning nutqini o'stirib borish hisoblanadi. Zero, tarbiyachi sayohat paytida bolalarning tevarak-atrof va ijtimoiy hayot hodisalari to'g'risidagi tasavvurlarini aniqlash va kengaytirish bilan bir vaqtda ularning lug'atini boyitadi, aniqlaydi, tafakkurini rivojlantiradi. Binobarin, sayohat vaqtida bolalalarga yangi bilimlar berilibgina qolmay, balki ularga oldindan tanish bo'lgan so'zlarning ahamiyatini aniqlash, doimo eshitib turadigan, hatto ozlari ishlatadigan so'zlarni aniq predmatlar bilan bo'g'lash uchun qulay imkoniyatlar yaratiladi. Bolalarning olgan bilimlari puxta bo'lishi va ularning so'z boyligini boyitib borish uchun bir obyektga uyushtirilgan sayohat yilning turli fasllarida takrorlab turiladi, bolalar bilan qayta-qayta sayohat uyushtiriladi. Sayohatni tashkil etishda tarbiyachining asosiy vazifasi bolalarning bilim doirasini va lug'atini boyitish ishi bilangina chegaralanmasdan, balki tevarak-atrofga to'g'ri munosabatni: kattalarning mehnatini qadrlash, buyumlarga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish, tozalikka, saranjom-

sarishtalikka o'rganish, ona-Vatanga, ona-tabiat chiroyiga mehr-muhabbatni tarbiyalash; hayvonlarga, o'simlik dunyosiga ehtiyotkorlik munosabatlarini ham tarbiyalab borishi kerak.

Sayohatni tashkil etishda tarbiyachi quyidagi qoidalarga rioya qilishi kerak:

a) sayohat va kuzatishlarni shunday tashkil qilish kerakki, u bolalarda qiziqish uyg'otsin. Bolalardagi qiziqish kuzatishning aniq va idrokning chuqur bo'lishiga olib boradi;

b) har bir sayohat va kuzatishlar uchun uncha katta va ko'p bo'lmagan obyektlarni tanlash kerak;

d) bolalarning diqqatini juda ko'p batafsil izohlarga tortish yaramaydi, aks holda tarbiyachining oldindan belgilab qo'yilgan narsalar haqida tushuncha berish imkoni cheklanadi, bolalar diqqati chalg'iydi va ular tez charchab qoladilar;

e) kuzatish vaqtida bolalar idrokining faollashishini ta'minlash kerak: tarbiyachi savollar beradi, bolalar esa javob berishadi; narsani ushlab ko'rishga, agar mumkin bo'lsa, u bilan o'ynashga ruxsat etiladi.

Ko'pincha sayohat vaqtida bolalarni predmetlar (buyumlar) bilan uzoqdan turib (ma'lum bir masofada) tanishtiriladi. Shuning uchun bunday holatlarda tarbiyachining nutqi kata ahamiyatga ega: hajm va fazoni bildiruvchi so'zlamni aniq va tez-tez ishlatishi (ko'cha keng, chetlariga daraxtlar ekilgan, uzoqda anhor bor, to'g'rida xiyobon ko'rinish turibdi, bog'chani chap tomonida shoh ko'cha bor va hokazo). Mana shularning barchasini hisobga olib, tarbiyachi sayohatning rejasini tuzadi va mashg'ulotni qanday boshlashni, qanday usullardan foydalanishni, asosiy qismining borishini va qanday yakunlashni puxta o'ylab oladi.

Har qanday sayohatning boshlanishi guruh xonasida tashkil etiladi. Tarbiyachi bolalardan qachon, qayerga sayohatga borganliklarini, u yerda nimalarni kuzatganliklarini, bugun ham sayohatga borishlarini, qayerga, nima maqsadda borishlarini aytib beradi.

Tarbiyachi kuzatish yuzasidan yo'l-yo'riq beradi. Bu mashg'ulot boshlanishining muhim bosqichi hisoblanadi. Tarbiyachi sayohatning maqsadini qisqa va aniq qilib aytib beradi. Ayniqsa, katta guruhlarda mashg'ulotni topishmoq, she'r bilan, sayohat uchun tayyorlab qo'yilgan buyumlarni ko'rsatish bilan ham boshlash mumkin. Masalan, yil fasllari bilan bog'liq holda bog'ga sayohatga borishdan avval tarbiyachi she'rni o'qib berishi mumkin. Shuningdek, o'rta va katta guruhlarda mashg'ulotning boshlanish qismi-muqaddimani suhbat shaklida o'tkazish mumkin. Masalan, o'rta guruhlarda "Qish haqida suhbat", "Qor yoqqanda" mavzusida tarbiyachi bilan birgalikda hikoya tuzishga o'rgatish mashg'ulotlarini sayohat tarzida ijodiy tashkil qilishda qishda bolalarning qish manzarasini, qishki o'yinlarini kuzatish uchun maydonchaga borishdan avval tarbiyachi bolalardan so'raydi:

- Hozir yilning qaysi fasli?
- Kishilar qanday kiyinishadi?
- Qish faslida bolalar qanday o'yinlar o'ynashadi?
- Qishda nima yog'adi?
- Qor o'ynash uchun nimalar kerak?
- Qishni yaxshi ko'rasizmi?

So'ngra sayohat yuzasidan ko'rsatmalar beradi: "Bugun sizlar bilan sayohatga chiqamiz. Shahrimizda joylashgan o'yin maydonchasiga borib, u yerda qish manzarasini kuzatamiz, bolalar qanday qishki o'yinlar o'ynashayotganini, qanday qilib chana, konki, yaxmalak otishayotganini ko'ramiz".

Sayohat mashg'ulotda bolalar bilan qishning asosiy xususiyatlari va belgilari haqidagi tushunchalarni aniqlash va tartibga solish; qishda tabiat, qishki ermaklar va o'yin-kulgilar; kishilarning kiyimlari va ularning ko'cha va hovlilarni qordan tozalashdagi mehnatlari haqida; bolalar bog'chasi maydonchasiga uchib keluvchi va qishlab qoluvchi qushlar haqida g'amxo'rlik to'g'risida; qishda hayvonlar to'g'risidagi tushunchalarini aniqlash va ravshanlashtirish maqsadi ko'zlanadi. Tarbiyachi sayohat davomida bolalar bilan savol-javob qilib boradi. Bolalarning javoblarini diqqat bilan tinglaydi, ularning javoblariga aniqlik kiritadi va zaruriyatiga qarab ularni to'g'rilaydi.

Tarbiyachi bolalarga tanish bo'lgan she'rlardan parcha aytib beradi:

Rosa maza qish,

Qorlari –kumush.

Oq kiygan atrof,

Qish havosi sof.

Konki uchamiz.

Hech charchamay biz.

Goho qorbo'ron

O'ynab kim chaqqon

Bilib olamiz,

Qoyil qolamiz

Tarbiyachi bolalardan qishki ermaklar va o'yin-kulgilarni aytib berishni so'raydi: - Qish chiroyligina bo'lib qolmay, balki yilning eng quvnoq faslidir. Qishda qanday ermak o'yinlar o'ynaladi?

Bolalar javobi: Tepalikdan chanada sirpanib tushish, qorbobo, qorqiz, turli hayvonlarni yasash.

Bolalar qish haqidagi tushunchalarini gapirib berar ekanlar, ularning lug'at boyligidagi qish bilan bog'liq so'zlar faollashadi. Sayohat mashg'ulotdagi kuzatishdan olingan bilimlar, albatta, mustahkamlanishi shart bo'ladi. Bolalar qorbobo, qorqiz rasmlarini chizadilar, qish fasli haqidagi topishmoq va she'rlarni aytadilar.

Yalang ochdir tushsa sovuq,

Kiyim kiyar bo'lsa issiq. (Daraxt)

Tusi oppoq paxta emas,

G'irchillaydi taxta emas. (Qor)

Shuningdek, sayohatga olib borilgandan keyin guruhda suhbat o'tkazilib, qish fasliga oid rasmlar asosida og'zaki hikoya tuzdiriladi. Bunday usul bolalarning kuzatuvchanligini, lug'at boyligini o'stiradi, shuningdek, bolalarda axloqiy sifatlarni tarbiyalaydi, ona-tabiatga mehr uyg'otadi. Bu esa nutq o'stirish mashg'ulotlarini sayohat mashg'ulot tarzida ijodiy tashkil qilishning ahamiyatini yanada oshiradi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 16-dekabrda O'RQ-595-son "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida"gi Qonuni.- Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.17.12.2019-y,03/19/595/4160-son.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-maydagi PQ-4312-son “O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” qarori. – Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 10.05.2019-y., 07/19/4312/3106-son; 09.10.2020-y., 07/20/4857/1357-son
3. Babayeva D.R. Nutq o‘stirish nazariyasi va metodikasi.- Toshkent: “Barkamol fayz media” nashriyoti, 2018.
4. Djurayeva B., H. Tojiboyeva, Nazirova G.M. Maktabgacha ta’lim muassasalarida ta’lim jarayoni sifati va samaradorligini takomillashtirishning pedagogik tizimi. Monografiya. – Toshkent: LESSON PRESS, 2017.

**Mansurova Shabnam, Ravshanova Saodat**  
**Navoiy davlat pedagogika instituti talabalari,**  
**Ilmiy rahbar: Kamalova D. I.**  
**dots., PhD**  
**(Navoiy, O'zbekiston)**

### **FIZIKA FANINI KO'RGAZMALI VOSITALARDAN FOYDALANIB O'QITISH**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada bugungi rivojlanib borayotgan zamonamizda barcha fanlarni, jumladan, fizika darslarini o'qitish jarayonida yangi pedagogik texnologiyani qo'llash orqali ko'rgazmali vositalardan foydalanish, ushbu usullar natijasida o'quvchilar bilim saviyasini, esda saqlab qolish qobiliyatini yanada oshirish mumkin ekanligi, o'quvchilarga vaqtni tejagan holda samaraliroq bilim berish metodlari haqida mulohazalar aks ettirilgan.

**Kalit so'zlar:** ko'rgazmali qurollar, metod, an'anaviy ta'lim, interfaol metod, kompyuter texnologiyasi vositalari, multimedia vositalari, modellar, diagrammalar, jadval va plakatlar, grafiklar.

Mamlakatimiz ta'lim jarayonlariga kirib kelayotgan zamonaviy kompyuterlardan foydalanish – elektron darsliklar yaratish, fizika darsi jarayonini virtualashtirish, o'qitishda virtual va multimedia vositalaridan foydalanish, ta'limning virtual bazasini yaratish kabi vazifalarni qo'yimoqda. Yangi pedagogik texnologiyalarning ta'lim-tarbiya sohasidagi ahamiyati beqiyosdir. Fizika darslarida kompyuter vositalari: multimedialar, virtual laboratoriyalar va virtual ko'rgazmalarning qo'llanilishi qo'shimcha materiallar va badiiy adabiyotlaridan foydalanish dars samaradorligini oshirishning yana bir omili bo'lib hisoblanadi.

Fizika darslarida elektron ko'rgazmali vositalardan foydalanishning ahamiyati bugungi pandemiyaga sharoitida ayniqsa, samarali usullardan biri hisoblanishi shubhasiz.

Fizikadan ko'rgazmali vositalarga quyidagilar kiradi:

Hajmiy modellar. Agar qurolni yoki tuzilmaning o'zini ko'rsatish mumkin bo'lmasa, unga aynan, mos keladigan modellardan foydalaniladi. Masalan, issiqlik va elektr dvigatellari, gidravlik press, suv omborlari, nasos, ko'tarma kran va boshqalar. Ularni o'quvchilar uchun chiqarilgan turli konstruktorlik detallardan yasasa bo'ladi. Bunday modellarni fizika texnika to'garaklarining qatnashchilari yasashadi.




1-rasm. Hajmiy modellar. Ko'tarma kran modeli

2. Kinematik sxemalar – faner yoki kartondan yasalgan modellar yoki sxemalar. Bunday sxemalarning ayrim qismlari harakatlanuvchi bo'lib, hodisaning yuz berish mexanizmini yoki qurolning ishlash prinsipini yaqqol ko'rsatadi. Bularga elektrlashtirilgan sxemalar ham kiradi.



2-rasm. Kinematik sxemalar. Oddiy mexanizmlar

3. Illustratsion model – maketlar, masalan, kristall panjaraning modeli. Fizika fanini o'qitishda maketlar unchlik ko'p qo'llanilmaydi. Biroq, ular ayrim hollarda o'ziga xos ahamiyatga ega. Masalan, suv – elektr stansiyalarining, suv omborlarining pilotinasini, shlyuzlarning maketlari va boshqa omillari. Ular ko'rgazmali obrazni hosil qilib, aniq tasavvur hosil qilishga imkon yaratadi.



3-rasm. Illustratsion model. Kristall panjaraning modeli

4. Kolleksiyalar. Fizika kursini o'qitishda turli predmetlarning materiallariga tegishli kolleksiyalar qo'llaniladi. Masalan, kristall o'tkazgichlar va dielektriklar, yarim o'tkazgichlar, elektr lampalari, bir xil shakldagi turli moddalar va boshqalar.



4-rasm. Kolleksiyalar. Elektr lampalari

5. Jadvallar va plakatlar. Bular turli murakkab o'quv qurollarning tuzilishlari bilan o'quvchilarni tanishtirish vaqtida qo'llaniladi. Bunday plakatlar qurollarning, qurilmalarning tashqi ko'rinishi, optik tizimlarda nurning yurishi, qurollarning ayrim detallari va ularning ishlash prinsiplari aks ettiriladi. Bunday plakatlar turkumiga quyidagilarni qo'shsa bo'ladi:


Mendeleyev elementlar davriy tizimini, asosiy fizik birliklar, asosiy fizik kattaliklar, fundamental doimiyliklar va boshqalar. Shunga o'xshash ko'rgazma qurollarning bu turiga buyuk fizik olimlarning portretlari ham kiradi. Jadvallar va plakatlarni saqlashga alohida e'tibor berish kerak bo'ladi.

**D. I. MENDELEYEVNING KIMYOVIY ELEMENTLAR DAVRIY JADVALI**

Davriy jadval	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII										
1	H											He										
2	Li	Be	B	C	N	O	F						Ne									
3	Na	Mg	Al	Si	P	S	Cl						Ar									
4	K	Ca	Sc	Ti	V	Cr	Mn	Fe	Cu	Zn	Ga	Ge	As	Se	Br	Kr						
5	Rb	Sr	Y	Zr	Nb	Mo	Tc	Ru	Rh	Pd	Ag	Cd	In	Sn	Sb	Te	I	Xe				
6	Cs	Ba	La	Hf	Ta	W	Re	Os	Ir	Pt	Au	Hg	Tl	Pb	Bi	Po	At	Rn				
7	Fr	Ra	Ac	Db	Jl	Rf	Bh	Ht	Mt													
L A N T A N O I D L A R G R U P P A L A R I																						
Ce	Pr	Nd	Pm	Sm	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho	Er	Tm	Yb	Lu									
A K T I N O I D L A R G R U P P A L A R I																						
Th	Pa	U	Np	Pu	Am	Cm	Bk	Cf	Es	Fm	Md	(No)	(Lr)									


5-rasm. Jadvallar va plakatlar. Mendeleyev elementlar davriy jadvali

6. Diagrammalar. Fizika fanini o'qitish jarayonida, o'qituvchilar ko'pincha taqqoslovchi diagrammalardan foydalanishadi. Masalan, turli yoqilg'ilarning issiqlik berish imkoniyati, moddalarning solishtirma issiqligi, mashinalarning foydali ish koeffitsiyenti, kosmik tezliklar va boshqalar.



6-rasm. Diagrammalar

7. Grafiklar – fizik kattaliklar orasidagi funksional bog'lanishlarni o'rgatishda muhim ahamiyatga ega. Bunda asosiy e'tibor tayyor grafikni emas, uning dinamikasini ko'rsatishga qaratilishi lozim bo'ladi.



7-rasm. Grafiklar. Garmonik tebranishlar grafigi



8. Epiroyeksiya – shaffof bo'lmagan jismlarning sirtidagi rasmlarni proyeksiyalab ko'rsatishda qo'llaniladi. Masalan, kitoblardagi rasmlar, sxemalar, o'quvchilarning daftaridagi yozuvlar, mayda detallar proyeksiyalanadi. Katta o'lchamli rasmlar va chizmalarni o'ziday qilib tayyorlash mumkin bo'ladi.

Shunday qilib, ta'lim jarayonlarida fizika fanini o'qitishda ko'rgazmali vositalardan foydalanib dars o'tish o'quvchilarning dunyoqarashini kengaytiradi, O'quvchilar tasavvurida mavzuga oid mulohazalar yaqqol gavdalanadi, esda saqlab qolish samaradorligi yanada oshadi. Dars jarayonlarida vaqtdan unumli foydalanishga yordam beradi.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017-yil. 20-apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi" qarori.
2. B.Mirzaxmedov, N.G'ofurov va boshqalar. "Fizika o'qitish metodikasi". Toshkent. 2010.
3. No'monxo'jayev va boshqalar. "Fizika" AL uchun I-III qism. Toshkent. 2002.
4. Kamalova Dilnavoz and oth. Technique of laboratory works in physics using information technologies. Science and education. July. 2020. Volume 1. Issue 4. pp. 145-148.
5. Камалова Д.И., Музаффарова Л.Н.Связь математики с естественными науками. Science and education. April. 2021. Volume 2, Issue 4. pp. 593-603 стр.
6. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
7. [www.lib.ru](http://www.lib.ru)

**Qo'chqarova Shakarjon Azimboy qizi**  
**Urganch davlat universiteti o'qituvchisi**  
**(Urganch, O'zbekiston)**

**BOSHLANG'ICH TA'LIM ONA TILI DARSLARIDA SO'Z TURKUMLARINI O'RGANISHDA  
TA'LIMY O'YINLARDAN FOYDALANISH (FE'L SO'Z TURKUMI MISOLIDA)**

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada boshlang'ich ta'lim ona tili darslarida so'z turkumlarini o'rganishda ta'limiy o'yinlardan foydalanish yo'llari fe'l so'z turkumi misolida misolida o'rganiladi. Unda ta'limiy o'yinlarni o'tkazishning metodik xususiyatlari ko'rsatib beriladi. Fe'l so'z turkumini o'rganishda ta'limiy o'yinlardan foydalanish dars samaradorligi oshiruvchi omil sifatida belgilanadi.

**Kalit so'zlar:** Boshlang'ich ta'lim, dars, so'z turkumi, fe'l, ta'limiy o'yin, mustaqil fikrlash, faollik, ta'limiy maqsad.

**Аннотация.** В данной статье исследуются способы использования обучающих игр при изучении лексики на уроках родного языка в начальной школе на примере глагольной фразы. Показаны методические особенности обучающих игр. Использование обучающих игр при изучении глаголов определено как фактор, повышающий эффективность урока.

**Ключевые слова:** Начальное образование, урок, лексика, глагол, обучающая игра, самостоятельное мышление, деятельность, образовательная цель.

**Annotation.** This article explores ways to use educational games in the study of vocabulary in primary school mother tongue lessons using the example of a verb phrase. It shows the methodological features of educational games. The use of educational games in the study of verbs is identified as a factor that increases the effectiveness of the lesson

**Keywords:** Primary education, lesson, vocabulary, verb, educational game, independent thinking, activity, educational goal.

Boshlang'ich ta'lim o'quvchilar, asosan, tasavvur qilish orqali fikr yuritadilar. Ona tili qonun-qoidalari, hodisalari mavhum fikr yuritishni taqozo etadi. Shu tufayli ular ko'pincha o'ynash, jismoniy harakat qilishga intiladilar. Amaldagi o'quv dasturiga asosan o'yin mashg'ulotlari bugungi darslarning qurilishida tez-tez uchrab turadi. Chunki bolaga berilayotgan bilimni o'yinlar vositasida singdirish quruq qoida yodlash va surunkasiga mashq qildirishdan qiziqroq tuyuladi va o'tilgan mavzuning mustahkam esda saqlanishiga imkon beradi.

Ta'limiy o'yinlarni o'tkazish usullari xilma-xil bo'lib, uni maktab o'qituvchilari mukammal egallab olishlari va o'quvchilarning o'zini shunga o'rgatish zarur. Ta'limiy o'yinlar til materiallarini o'rgatishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etishga yordam beradi. Bu o'yinlar bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Ta'limiy o'yinlar bolalarda mustaqillikni tarbiyalaydi. O'quvchilarni tez o'ylashga, mustaqil fikrlab javob berishga, zehni bo'lishga, har bir ishda tashabbus ko'rsatishga undaydi. Faoliyat ko'rsatishga chorlaydi. Bu mashg'ulotlar

bolalarning diqqatini bir yerga to'playdi. O'quvchilarda sog'lom musobaqa ruhini tug'diradi. Bunday ta'limiy o'yinlar va ularda berilgan topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchilarda jamoa bilan ishlash, o'ziga va o'z jamoasiga hamda o'zgalarga hurmat-e'tiborda bo'lish xislatlari shaklanadi. Bu o'yinlar o'quvchilarni faollik ko'rsatish, topqirlik, fahm-farosatli bo'lishga, dars jarayonida olgan nazariy bilimlarini amaliyotga taqbiq eta olishni talab qiladi. Ta'limiy o'yinlar o'rganilayotgan grammatik tushunchalarni tez va mustahkam o'zlashtirib olish imkonini beradi.

Bilim berishda ta'limiy o'yinlardan bilimlarni mustahkamlashdagina emas, balki ta'lim shakli sifatida ham keng foydalaniladi.

Boshlang'ich sinflarda fe'l so'z turkumini o'rganishda ta'limiy o'yinlardan o'z o'rnida foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Bu o'yinlarni mavzu o'rganilgach, darsning mustahkamlash bosqichida o'tkazish maqsadga muvofiq bo'ladi. Quyida 3-4-sinflarda "Fe'l so'z turkumi" mavzusini o'rganish darslarida qo'llaniladigan ta'limiy o'qinlardan namunalar keltiramiz:

### **"So'zlar zanjiri" o'yini.**

Ushbu o'yinni boshlang'ich sinflarning hammasida o'tkazish mumkin. U O'quvchilarning har bir so'zga, uning tuzilish tomoniga e'tibor berilishini taqozo etadi. O'yinni o'tkazish uchun istalgan bir so'z olinadi. Tanlangan so'z qaysi tovush bilan tugasa, keyingi so'z o'sha tovush bilan boshlanishi zarur. O'quvchilar kerakli so'zni tez topishadi va o'z ijodining natijasini birdan ko'ra oladi. Bu ularga ma'lum darajada zavq beradi. O'yin qiziqarli bo'lishi uchun bir qator o'quvchilar o'rtasida yoki alohida guruhlar orasida o'tkazilsa yanada yaxshi bo'ladi.

Bu o'yin fe'l so'z turkumini o'tishda quyidagicha o'tkaziladi: *Yugurdi, izla, alqamoq, qildi, ishondi, ilhomlan....*

So'zlar zanjiri o'yinini aniq mavzularda ham o'tkazish mumkin. Fikrlash faoliyati rivojlangan va so'z zahirasi boy bo'lgan o'quvchilar orasida bunday o'yinlarni o'tkazsa bo'ladi. O'quvchilar bu o'yinni bajarish bilan ma'lum bir so'z turkumi yuzasidan bilimlari ham mustahkamlanib boradi.

### **O'yinning ikkinchi varianti**

Ikki o'quvchi bir vaqtning o'zida doskaga chiqadi va birinchisi "b" tovushi bilan tugagan so'zlardan, ikkinchisi esa "i" tovushi bilan tugagan so'zlardan so'z zanjiri tuzish o'yinini o'tkazadi. Qaysi o'quvchi bir daqiqa yozuvdan to'xtasa yengilgan sanaladi. Kim ko'p so'z topgan bo'lsa g'olib hisoblanadi. O'yinning shartiga ko'ra biron so'z ham qaytarib yozilmaydi.

1-o'quvchi: Borib, botib, baqirib, berib, boshlab.

2-o'quvchi: Keldi, intildi, izladi, ilgariladi, ishonmadi.

Bu o'yinni o'quvchilarni chaqqonlikka va ziyraklikka chaqiradi.

### **"Kim chaqqon" o'yini**

Sinf o'quvchilari ikki guruhga bo'linadi. Har bir guruhdagi bolalar berilgan matndan o'qituvchi bergan topshiriqqa oid so'zlarni tanlab oladi. Birinchi guruhdagi o'quvchilar matndagi fe'l turkumiga oid so'zlarni, ikkinchi guruhdagilar sifat so'z turkumiga oid so'zlarni tanlab yozadi. Buning uchun o'qituvchi so'zlar yozilgan ko'chma doska yoki kartonni bolalarga ko'rsatadi. Har ikkala gururh ham ishga tushib ketadi, Qaysi guruh o'quvchisi tez va to'g'ri bajarsa o'sha guruh g'olib hisoblanadi va rag'batlantiriladi. So'zlar: *Aytdi, shirin, keldi, baland, chopdi, katta, ishladi, kichik, tepdi, ko'rkam, yig'ladi, yoqutday, izladi, ko'k, intildi, nordon va hakoza.* Agar o'quvchilar o'yinni to'g'ri bajarishsa har bir guruh juda ko'plab fe'lga oid so'zlar topishadi.

### O'qivning ikkinchi varianti

O'quvchilarda so'zning lug'aviy ma'nosiga qarab ma'lum turlarga ajratish ko'nikmasini shakllantirilishi uchun ushbu o'yin o'tkaziladi. O'qituvchi sinfning oldingi qismidagi stolga -15-20 kartochka yozib qo'yadi. O'quvchilar doskaga chiqariladi. Ular doskaga o'qituvchi tomonidan yozib qo'yilgan mavzulardan birini tanlaydi. 1.Harakatga oid so'zlar. 2.Holatga oid so'zlar

O'quvchilar kartochkadagi so'zlarni o'qib, o'zlariga keraklilarini tanlab oladi. Bunday o'yin o'quvchilarni so'zning asosiy belgisiga qarab turlarga ajratishga o'rgatadi. Masalan, Harakatga oid so'zlar: yurdi, chizdi, aytdi, bordi, keldi.

Holatga oid so'zlar: uxladi, gulladi, tingladi, o'yladi

### “G'alaba cho'qqisi” o'yini

Bu o'yinni o'tkazish uchun ikki o'quvchi doskaga chiqariladi. Ularning har biriga bittadan unumli so'z yasovchi qo'shimcha beriladi. O'quvchilarning berilgan yasovchi qo'shimcha yordamida belgilangan miqdorda so'z tuzishi va doskaga yozishi talab qilinadi. Bu o'yinni ot, sifat, fe'l so'z turkumlari o'tilganda uyushtirish mumkin. Fe'l so'z turkumini o'rganish jarayonida o'yinni qo'yidagicha uyushtirish mumkin.

### “Keragini tanlab tuz” o'yini

Bu o'yinni o'tkazishdan asosiy maqsad grammatik qoidalarni o'quvchilarning mustahkam va ongli egallab olishlarini ta'minlash hisoblanadi. O'quvchilar ushbu mashq orqali har bir so'zga ehtiyotlik bilan yondashishga va ularni o'z o'rnida ishlatish ko'nikmasini egallab olishadi.

1. Fe'l nomini
2. Sifat sonini, tartibini
3. Son belgisini
4. Ot ish-harakatini

Ta'limiy o'yinlardan yana biri **“Quruvchi”** o'yinidir. Bu o'yin o'quvchilarni guruhlariga bo'lib, darsda o'tilgan “Shaxs va narsa harakatini bildirgan so'zlar” mavzusini o'tkazilishi mumkin. O'qituvchi avvaldan darsga tayyorgarlik ko'rib, qog'ozdan yoki penoplast bo'lakchalaridan “gishtshalar” yasaydi va ularga savol yozilgan qog'ozchalarni yopishtirib chiqadi. G'ishtchalar soni o'quvchilar soniga teng yoki ko'p bo'lishi kerak. Guruhlarga “minora” yoki “devor” qurilishi uchun joy ajratiladi. Har bir guruhdan bittadan bola chiqadi va “gishtcha” ni olib, savolni o'qiydi. Agar bolalar savolga to'g'ri javob topsalar o'zlarining “maydoncha”lariga “gisht”ni teradilar. Agar noto'g'ri javob bersalar, o'qituvchi “gishtcha”ni olib qo'yadi. O'yin shu taxlitda barcha o'quvchilar bittadan “gishtcha” olib bo'lgunlariga qadar davom etadi.” Qurilish maydonchasi” da eng ko'p g'isht tergan o'quvchilar guruhi g'olib hisoblanadi.

Ko'rinadiki, har bir ta'limiy o'yinda ma'lum ta'limiy maqsadga qaratilgan vazifa qo'yiladi. Bu vazifa bolalarga bilim va ma'lumot berishni ko'zda tutadi. Har bir ta'limiy o'yin bolalardan ma'lum vazifani bajarishni talab qiladi. Shu orqali ta'limiy o'yinlar dars samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abdurahmonov M. Didaktik o'yinlarning ta'limiy ahamiyati// Xalq ta'limi tizimida boshlang'ich sinf o'qituvchilarining yangi avlodini tayyorlash muammolari. T-1996.176-bet.
2. Yoqubov Sh. Xoliqova Sh. Grammatik o'yinlar o'quvchilarni faollashtirish vositasi// Ta'lim tizimida psixologik xizmat: muammolar, yechimlar.- Termiz, 2002, 84-86-bet.

**Xudayberganov G'ayrat**  
**UrDU BTM kafedrası o'qituvchisi,**  
**Atajanova Gulrux**  
**UrDU 192-BT va STI guruhi talabasi**  
**(Urganch, O'zbekiston)**

### **3-4-SINFLARDA MATEMATIKADAN SINFDAN TASHQARI ISHLAR O'QUVCHILAR BO'SH VAQTLARIDAN UNUMLI FOYDALANISH OMILI SIFATIDA**

**Annotatsiya.** Maqolada 3-4-sinflarda matematikadan sinfdan tashqari ishlar o'quvchilar bo'sh vaqtlaridan unumli foydalanish omili ekanligi yoritilgan. Boshlang'ich ta'limda sinfdan tashqari ishlar o'quv tarbiyaviy ishining tarkibiy qismi, o'quvchilarning bo'sh vaqtini tashkil etish shakllaridan biri hisoblanadi. Sinfdan tashqari ishlarga o'quvchilar bilan o'tkaziladigan va ularga tarbiya hamda bilim berishga qaratilgan turli xil mashg'ulotlar tizimi kiradi. Sinfdan tashqari ishlarining asosiy shakllari sifatida ommaviy ishlar (maktab klublaridagi tadbirlar, kecha, munozara va tanlovlar o'tkazish, viktorina va ko'rgazmalar uyushtirish, tabiat qo'yniga, maktab va muzeylarga ekskursiyalarga chiqish), to'garak ishlari (o'quvchilarning turli to'garaklar, sport seksiyalari, ansambllardagi qatnashishlari), mustaqil ishlar (o'quvchilarning sinfdan tashqari o'qishi, kolleksiya to'plashi, texnika, musiqa, tasviriy san'at, chizmachilik va boshqalar bilan mustaqil shug'ullanishi) ni ko'rsatish mumkin. Sinfdan tashqari ish ommaviy bo'lishi, unga imkon boricha o'quvchilarning kamida uchdan bir qismini jalb qilish kerak. Sinfdan tashqari ishda matematik material o'quvchilarning bilimlari va malakalariga mos ravishda berilishi kerak.

**Kalit so'zlar:** Sinfdan tashqari ishlar, bilimlar, to'garak ishlari, musobaqalar, masalalar, raqamlar, arifmetik amallar, ko'paytirish, yechim.

**Аннотация.** В статье подчеркивается, что внеклассные занятия по математике в 3-4 классах являются фактором эффективного использования свободного времени учащихся. В начальном образовании внеклассные занятия являются неотъемлемой частью воспитательной работы и формой организации досуга учащихся. Внеклассные мероприятия включают различные мероприятия, направленные на обучение и воспитание школьников. Основными формами внеклассной деятельности являются общественная деятельность (мероприятия школьного клуба, математические вечера, дискуссии и конкурсы, викторины и выставки, поездки на природу, школьные и музейные экскурсии), кружковая работа (различные школьные клубы, спортивные секции), самостоятельная работа (внеклассное чтение, сборник, самостоятельная практика по технике, музыке, изобразительному искусству, рисованию и др.). Внеклассные занятия по математике - это занятия, которые предназначены для расширения и углубления знаний учащихся по математике. Внеучебные мероприятия должны быть публичными и вовлекать не менее одной трети учащихся в максимально возможной степени. Во внешкольных мероприятиях математический материал должен соответствовать знаниям и навыкам учащихся.

**Ключевые слова:** Внеклассные занятия, знания, кружковая работа, конкурсы, задачи, числа, арифметические операции, умножение, решение.

**Annotation.** *The article emphasizes that extracurricular activities in mathematics in grades 3-4 are a factor in the effective use of pupils' free time. In primary education, extracurricular activities are an integral part of educational work and a form of organizing students' leisure time. Extracurricular activities include various activities aimed at teaching and educating students. The main forms of extracurricular activities are social activities (school club events, math evenings, discussions and competitions, quizzes and exhibitions, nature trips, school and museum excursions), circle work (various school clubs, sports sections), independent work (extracurricular reading, collection, independent practice in technology, music, fine arts, drawing, etc.). Math extracurricular activities are activities that are designed to expand and deepen students' knowledge of mathematics. Extracurricular activities should be public and involve at least one third of students as much as possible. In extracurricular activities, math material should be consistent with the students' knowledge and skills.*

**Key words:** *Extracurricular activities, knowledge, circle work, competitions, problems, numbers, arithmetic operations, multiplication, solution.*

Boshlang'ich ta'limda sinfdan tashqari ishlar o'quv tarbiyaviy ishining tarkibiy qismi, o'quvchilarning bo'sh vaqtini tashkil etish shakllaridan biri hisoblanadi. Sinfdan tashqari ishlar o'quvchilarni barkamol shaxs sifatida shakllantirish va ularni hayotga tayyorlashda keng imkoniyatlar yaratadi. Sinfdan tashqari ishlarga o'quvchilar bilan o'tkaziladigan va ularga tarbiya hamda bilim berishga qaratilgan turli xil mashg'ulotlar tizimi kiradi. Bunday mashg'ulotlar pedagogik jamoa, sinf rahbari, yoshlar tashkilotlari rahbarligi va bolalarning o'z-o'zini boshqarish tashkilotlari tomonidan darsdan tashqari vaqtda uyushtiriladi. Sinfdan tashqari ishlarining asosiy shakllari sifatida ommaviy ishlar (maktab klublaridagi tadbirlar, kecha, munozara va tanlovlar o'tkazish, viktorina va ko'rgazmalar uyushtirish, tabiat qo'yniga, maktab va muzeylarga ekskursiyalarga chiqish), to'garak ishlari (o'quvchilarning turli to'garaklar, sport seksiyalari, ansambllardagi qatnashishlari), mustaqil ishlar (o'quvchilarning sinfdan tashqari o'qishi, kolleksiya to'plashi, texnika, musiqa, tasviriy san'at, chizmachilik va boshqalar bilan mustaqil shug'ullanishi) ni ko'rsatish mumkin. Matematikadan sinfdan tashqari mashg'ulotlar deganda o'quvchilarning matematik bilimlarini kengaytirish va chuqurlashtirish maqsadida tashkil qilingan mashg'ulotlarni tushunamiz.

O'quvchilarga chuqur va puxta bilim berish, ularni har tomonlama yetuk rivojlangan kishilar qilib tayyorlash hamda ularda egallagan bilimlarini amalda qo'llay olish malakalarini shakllantirish shu kunning ayni talabidir. Bu ulkan vazifalarni bajarishda boshlang'ich sinflarda olib boriladigan sinfdan tashqari ishlar alohida o'rin tutadi. Ayniqsa, matematik kechalar, viktorinalar, haftaliklar, uchrashuvlar o'tkazib borish o'quvchilarda matematikaga bo'lgan qiziqishni oshiradi. Bunday tadbirlar, eng muhimi, o'quvchilar o'rtasida matematikani yanada ommalashtiradi.

Matematikadan sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilishning asosiy maqsadi o'quvchilardagi fanga bo'lgan qiziqishni rivojlantirish, ularni darsda olgan bilimlarini to'ldirish, matematik malaka va ko'nikmalarini shakllantirishdir. O'qituvchi umumiy ta'lim maktabining

boshlang'ich sinflarida sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilishni eng kichik yoshdanoq o'tkazishni boshlagani maqul, o'quvchilarning o'zlarida mashg'ulotga qatnashish tashabbusi uyg'onishini kutib o'tirmasdan, ularni mashg'ulotga taklif qilaverish kerak. Sinfdan tashqari ish ommaviy bo'lishi, unga imkon boricha o'quvchilarning kamida uchdan bir qismini jalb qilish kerak. Sinfdan tashqari mashg'ulot o'tkazishning xususiyatlaridan biri shuki, o'qituvchi o'quvchilarni rag'batlantirishga alohida e'tibor berishi kerak. Bunday rag'batlantirish katta yoshdagi o'quvchilar bilan mashg'ulotlar o'tkazishda ham xarakterlidir, quyi sinflarda esa o'quvchilarning qo'shimcha matematik faoliyatlarida birorta ham yutuqlarini payqamay o'tkazmaslik ayniqsa muhimdir. O'qituvchining do'stona munosabatida, o'z tarbiyalanuvchilari ishlaridagi ozgina yutuqni seza olishida o'qituvchining pedagogik mahorati, o'quvchilarning fanga qiziqishlarining shakllanish va rivojlanishiga ta'siri namoyon bo'ladi. Matematikadan sinfdan tashqari ish, aslida, sinfdagi mashg'ulotlarda vujudga keladi. Boshlang'ich sinf darsliklarida berilgan qiyin masalalar, aslini aytganda sinfdan tashqari mashg'ulotlarga doir mashqlardir. Ammo bu mashqlarning bir qismi sinfdan hamma o'quvchilar oldida yechilishi mumkin va zarur (bu mashqlarni har bir o'quvchi yecha bilishi talab qilinmasa ham). Xuddi shu mashqlar yoki shularga o'xshash mashqlar sinfdagi va sinfdan tashqari ishlarning mazmun va formalarini bir-biriga bog'laydi. Sinfdan tashqari ishlarning asosiy formallari: to'garak mashg'ulotlari, konkurslar, masalalar yechish, kechalar va yig'ilishlar, matematik devoriy gazetalar va hokazolardir. Mashg'ulotlarda mavzuni butun o'rganishni qiyinroq masalalarni yechish topqirlik, ziyraklik, diqqatni talab qiluvchi masalalarni yechish, kichik-kichik qiziqarli savollar qarash bilan almashib borish foydali.

Sinfdan tashqari ish o'z mazmuni bo'yicha u davlat dastursi bilan cheklanmagan. Ammo matematik material o'quvchilarning bilimlari va malakalariga mos ravishda berilishi kerak, bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda matematikaga bo'lgan qiziqishlarini asta-sekin rivojlantira borish lozim.

Sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilishda boshlang'ich 3-4-sinflarda tavsiya qilish mumkin bo'lgan masalalar, o'yinlar hamda qiziqarli misollardan na'munalar:

1. Bir bola 20 dan 22 ni ayirib 88 hosil qildi. U qanday amal bilan bajargan?

$$\begin{array}{r} \text{XX} \\ - \quad \underline{\text{22}} \\ \hline 88 \end{array}$$

2. 666 sonini hech qanday arifmetik amal bajarmay 1 yarim marotaba orttiring (999. 180 gradusga bur).
3. 3 ta gugurt cho'pdan hech qanday sindirmay 4 hosil qiling? (IV).
4. Qurt 1 kunda 5 metr balandga chiqib, 1 metr pastga tushadi. 10 metrlik daraxtga nechanchi kuni chiqadi? (6 kuni).
5. 5 ta 9 raqamli bilan va arifmetik amal ishorali yordamida 10 sonini yozing.  $10=99:9-9:9$ .
6. Ikki cho'ntakda teng pul bor. Chap cho'ntakdan yuz so'm olib o'ng cho'ntakka solindi. O'ng cho'ntakdagi pul chap cho'ntakdagi puldan necha so'm ortiq bolib qoldi? (J;200so'm)

7. Tashqi ko'rinishlari bir xil bo'lgan 12 ta tangadan bittasi qalbaki bolib, u qolgan tangalardan og'ir yoki yengilligi noma'lum. Pallali tarozida 4 marta tortish bilan qalbaki tangani aniqlang.

8. 5 ta 9 raqamli bilan va arifmetik amal ishorali yordamida 10 sonini yozing.  $10=99:9-9:9$ .



9. 5 ta gugurt cho'pidan 2 ta uchburchak yasang.

10. Qanday to'rtta sonning yig'indisi va ko'paytmasi 8 ga teng?  $1+1+2+4=1\times 1\times 2\times 4$ .

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada boshlang'ich ta'limning 1-sinfida o'qitiladigan "Rostgo'y bola" o'zbek xalq ertagi matni ustida ishlashning metodik jihatlari ko'rsatib berilgan. Unda savol-javob usulidan foydalanish yo'llari ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar:** Boshlang'ich ta'lim, xalq og'zaki ijodi, ertak, ertak o'qish darsi, ertak matni, maqol, lug'at boyligi.

**Аннотация.** В статье описаны методические аспекты работы над текстом узбекской народной сказки «Честное дитя», преподаваемой в 1-м классе начальной школы. Он показывает, как использовать метод вопрос-ответ.

**Ключевые слова:** Начальное образование, фольклор, сказки, уроки чтения, сказки, пословицы, словарный запас.

**Annotation.** This article describes the methodological aspects of working on the text of the Uzbek folk tale "Honest Child" taught in the 1st grade of primary education. It shows how to use the question-answer method.

**Keywords:** Primary education, folklore, fairy tales, reading lessons, fairy tales, proverbs, vocabulary.

Xalq og'zaki ijodining eng keng tarqalgan janri ertak hisoblanadi. O'quvchilar ertaklarni juda sevib o'qiydilar va aytadilar. Ertaklar kishilarning ichki dunyosini, ulaming his-tuyg'ularini, xarakterlarini ochib berishi bilan bolalarni hayajonlanishga, qahramonlarning xatti-harakatlarini baholashga va uni muhokama qilishga orgatadi. Ertaklarda ajdodlarimizning madaniy saviyasi, dunyoqarashi, falsafiy axloqiy tasavvurlari, badiiy didi o'z ifodasini topadi. Ularda, "... keng va murakkab dunyoda, kechadigan ezgulik va yovuzlik, muhabbat va nafrat, haqiqat va yolg'on, boylik va kambag'allik hamisha bir-biri bilan to'qnashib yuradi. (1; 32)

Darhaqiqat, "Folklor asarlari birinchi navbatda, xalq tafakkur tarzining, xususan badiiy tafakkur tarzining mevalaridir". (2; 48)

Badiiy tafakkurning hayotiy doirasi nihoyatda keng bo'lib, millat hayot tarzining barcha qirralarini o'z ichiga qamrab oladi. Ertaklarda ayniqsa ijtimoiy-axloqiy masalalar ko'proq o'rin egallaydi.

Boshlang'ich sinflarning "O'qish kitob"ida shu sababli ertaklarni o'rganishga alohida e'tibor qaratilgan. Binobarin, darsliklardan juda ko'plab ertaklar joy olgan.

1-sinf "O'qish kitobi" darsligida "Rostgo'y bola" ertagi berilgan bo'lib, uning mavzusi biz ta'kidlagan ijtimoiy-axloqiy masalalarni o'z ichiga qamrab olishi bilan alohida ko'zga

tashlanadi.(3) Ertak g'oyasini to'la anglab olish 1-sinf o'quvchilari uchun muayyan murakkablik tug'dirishi mumkin. Chunki to ertakning yechimigacha g'oya jumboqligicha qoladi. Asarda tasvirlanadigan asosiy voqealar mohiyati yolg'onchilik, xushomadgo'ylik, soxtakorlik, shoshmashosharlik kabi illatlarni qoralash, rostgo'ylik, kamtarlik, oddiylik kabi fazilatlarini ulug'lashdan iboratdir.

Mana shu bir-biriga zid bo'lgan illat va fazilatlarini aniqlab ko'rsatish bolalarda soxtakorlikka nisbatan nafrat, rostgo'ylikka nisbatan muhabbat uyg'otishi uchun o'qituvchi ertakni o'ziga xos yangi pedagogik texnologiyalarga tayangan holda o'rganishni asosiy maqsad qilib qo'yishi lozim.

Ilg'or pedagogik texnologiyaning ko'rinishlari, turlari juda ko'p. Biroq uning asosiy maqsadi dars jarayonida o'quvchi faolligini oshirish, masalaga ijodiy yondoshishga o'rgatish, xotira qobiliyatini yuksaltirish, shu asnoda tinglovchilarda tafakkur, tasavvur, hissiyot, irodaviy karakter kabi ruhiy faoliyatni yanada rivojlantirish, mukammal dunyoqarashni shakllantirishdir.

Mana shu omillarga e'tibor qaratgan holda ertakni savol-javob shakliga solib, darsni noan'anaviy tarzda tashkil etish yaxshi natija beradi. Buning uchun o'qituvchi eng avvalo ertakdagi muhim nuqtalarni aniqlab, oldindan savol-javoblarni tayyorlab qo'yishi lozim: Albatta bu savollar, ertak matni bir marta o'qib berilgandan so'ng o'rta tashlanishi zarur.

Nº	Savollar	Javoblar
1	Podsho nima uchun xomush bo'lib yurgan edi?	Podsho befarzand bo'lganligi sababli xomush edi. Agar farzandi bo'lganda uning ishlarini davom ettirar edi.
2	Podshoga vaziri qanday maslahat berdi?	Unga vazir xalq orasidan aqlli, zukko, rostgo'y bolani tanlab, farzand qilib asrashni maslahat berdi.
3	Xalq orasidan podshoga munosib asrandi farzand tanlash uchun qanday tadbirni o'ylab topishadi?	Mamlakatdagi bolalarga gul urug'i tarqatishadi. Kimning guli chiroyli bo'lib o'ssa, o'sha bolaning podshoh saroyi uchun munosib bo'lishi e'lon qilinadi.
4	Tarqatilgan gul urug'larining taqdiri nima bo'ldi?	Gul urug'ini olgan faqat birgina bola uni ko'kartira olmadi. Boshqa bolalar esa ajoyib gullarni o'stirib podshohga ko'rsatishdi.
5	Nima uchun barcha bolalar ekkan urug' ko'kardi-yu, bitta bolaniki ko'karmay qoldi?	Podshoh bilan vazir bu tadbirda hiyla ishlatishib, gul urug'larini suvda qaynatib, keyin tarqatishgan edi. Qaynatilgan urug' esa ko'karmaydi.
6	Nima uchun qaynatilgan urug' nish urmaydi?	Chunki urug' qaynatilganda uning tirik hujayralari kuyib ketadi.
7	Nega unda boshqa bolalar ko'kargan gullarni podshohga taqdim qilishdi?	Boshqa bolalar xushomadgo'ylik uchun soxtakorlik qilib, boshqa urug'dan gullar ko'kartirib taqdim etishadi.
8.	Nega unda boshqa bolalar ko'kargan gullarni podshohga taqdim qilishdi?	Boshqa bolalar xushomadgo'ylik uchun soxtakorlik qilib, boshqa urug'dan gullar ko'kartirib taqdim etishadi.
9.	Podshoh nima uchun gulni ko'kartira olmagan bolani asrandi farzandlikka qabul qildi?	Podshoh gul ko'kartira olmagan bolaning hiyla ishlatmay rostgo'ylik qilganligi, soxtakorlikka yo'l qo'ymaganligi uchun farzandlikka munosib degan qarorga keldi.

Darslikda ertakni o'zlashtirish uchun uchta savol berilgan. Biroq bu savollar ertakning asosiy g'oyasini o'quvchilarga to'la yetkazish imkoniyatini ro'yobga chiqara olmaydi. O'qituvchi savolni o'rtaga tashlaganda tayyor javobni yashirib turishi lozim. Bolalar savolga mustaqil ravishda javob berishga harakat qilsalar, ularda mustaqil fikrlash, ijodiy tafakkur qirralari kamol topa boradi. Bolalarning javoblaridan keyin ularni ixchamlashtirish, tayyor javob shakliga keltirish maqsadga muvofiqdir. Shu jarayonda bolalarga, siz gul o'stirasizmi, uyingizda gulzor bormi, degan savollarni ham berib, javob olish foydadan xoli emas. Albatta, bunday qo'shimcha savollar maktabning qanday hududda joylashganligiga ham bog'liqdir.

Darslikda ertak yakuniga oid bitta maqol ham berilgan. "Boshingga qilich kelsa ham to'g'ri gapir" maqoli ertakdagi qissaga hissa bo'lib xizmat qiladi. O'qituvchi ushbu maqolga monand boshqa bir qancha muqobil variantlarni topib, tayyor holda yozib kelib qo'ysa yanada yaxshi bo'ladi. Ertakka yakun yasash paytida bolalarga "To'g'rilik, rostgo'ylik haqida yana qanday maqollarni bilasiz? qabilidagi savol berilsa, ular yana mustaqil fikrlashga, ijodkorlikka intilishadi va bir qator maqollarni aytib berishadi. O'qituvchi esa quyidagi maqollarni tayyorlab qo'yishi zarur:

Yolg'on aytgan kishining,  
Xatari bor ishining.  
Yolg'onchining yonidan o'tma,  
Rostgo'yning yonidan ketma.  
Yolg'onchining tili kalta.  
Yolg'onchining umri qisqa.  
Yolg'on uyaltirar, rost suyuntirar.  
Yolg'on gapirib yashagandan,  
Rost gapirib o'lgan yaxshi.

Ushbu toifadagi maqollarni aytishdan avval bolalarning o'zlariga rostgo'ylikni ulug'lovchi, yolg'onni qoralovchi maqollardan namunalarni topdirish ulardagi izlanuvchanlik, topqirlik qobiliyatini yanada oshiradi. Eng asosiysi, ertakni o'rganishdan kelib chiqadigan muhim xulosa oydinlashadi. Bolalarda rostgo'ylik, haqiqatga intilish, to'g'rilik, soxtakorlikdan qochish kabi insoniy fazilatlar kamol topadi. Dars nihoyasida o'qituvchi eng faol qatnashib, savollarga javob berishda, maqollardan namuna keltirishda o'rnak ko'rsatgan o'quvchilarni maqtab rag'batlantirsa, bolalarning darsga qiziqishi, faolligi, ziyrakligi yanada rivojlanib boradi. Ularda axloqiy barkamollik ro'yobga chiqa boradi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ведерникова Н.М. Русская народная сказка.-М.: Наука, 1975.
2. Qosimova K., Matchonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. – Toshkent, "Nosir", 2009
3. G'afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. O'qish kitobi. 1-sinf uchun darslik.- Toshkent: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2019.

**Isroilova Barchinoy Abduǵappor qizi**  
**Andijon davlat universiteti**  
**Boshlang'ich ta'lim kafedrasida o'qituvchisi**  
**(Andijon, O'zbekiston)**

## MULOQOT ODOBI

**Annotatsiya.** *Ushbu maqolada muloqot odobi haqida soʻz yuritilgan. Inson hayotini muloqotsiz tasavvur etish qiyin. Oʻzaro rishtalar, qarindoshlarning samimiyatga toʻla muloqotlari oʻz yoʻliga. Ammo koʻpchilik davlat tashkilotlarida rasmiy shaxslar bilan qanday muomala qilish, muloqot odobi toʻgʻrisida yetarlicha tasavvurga ega emas.*

**Kalit soʻzlar:** *muloqot odobi, muomala, rasmiy muloqot, etika qoidalari, tilshunoslik, aloqa, suhbat jarayoni, salomlashish, nutq faoliyati.*

**Аннотация.** *В этой статье обсуждается этикет общения. Трудно представить человеческую жизнь без общения. На пути к отношениям и искреннему общению между родственниками. Однако многие государственные органы не имеют четкого представления о том, как обращаться с чиновниками и как общаться.*

**Ключевые слова:** *коммуникационный этикет, поведение, формальное общение, правила этики, лингвистика, общение, разговорный процесс, приветствие, речевая деятельность.*

**Annotation.** *This article discusses the etiquette of communication. It's hard to imagine human life without communication. Relationships and sincere communication between relatives are on their way. However, many government agencies do not have a clear idea of how to deal with officials and how to communicate.*

**Key words:** *communication etiquette, behavior, formal communication, rules of ethics, linguistics, communication, conversation process, greeting, speech activity.*

O'zbek millatining ko'p ming yillik tarixida keyingi o'n yillikda erishgan yutuqlarimiz alohida o'rin tutadi. Hozirgi kunda necha asrlar davomida yaratilgan boy ma'naviy-ma'rifiy merosimizni nafaqat o'rganish, balki uni davr talablari asosida qaytadan idrok etish va milliy manfaatimizga xizmat qildirish vazifasini oldimizga qo'ydi. Boy tajribalarimiz negizida milliy istiqloq mafkurasining yangicha tamoyillari yaratildi. Davr barcha ziyolilar qatori tilshunoslar oldiga ham yangi va ulkan vazifalarni qo'ydi. Bu vazifalarni lo'nda qilib, bir tomondan, tilshunoslikning nazariy masalalarini jahon andozalari darajasida tadqiq etish, ikkinchi tomondan, uning amaliy jihatlari, aniqrog'i, nutqiy madaniyat masalalari bilan shug'ullanish tarzida tushunish to'g'ri bo'ladi.

Darhaqiqat, tilning barcha qatlamlaridagi birliklarni tartibga keltirish, ya'ni adabiy tilimizning qat'iy me'yorlarini belgilash, ularni imlo va talaffuz qoidalari asosida yozish va so'zlashni xalqimiz orasida ommalashtirish, bu qoidalarni lug'atlar shaklida mustahkamlash bugunning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi. Bular orasida xalqimizning muloqot odobini yuksaltirish muhim bo'lib qoladi. Chunki milliy istiqloq g'oyasi yurtdoshlarimizni ma'naviy

yangilanish va islohotlar jarayonining faol ishtirokchisiga aylantirish, yoshlarimizni esa erkin, shu bilan birga, odatdagi, an'anaviy usullardan voz kechib, yangicha fikrlashga o'rgatishni maqsad qilib qo'yar ekan, bunga til madaniyatisiz erishib bo'lmaydi.

Inson hayotini muloqotsiz tasavvur etish qiyin. O'zaro rishtalar, qarindoshlarning samimiyatga to'la muloqotlari o'z yo'liga. Ammo ko'pchilik davlat tashkilotlarida rasmiy shaxslar bilan qanday muomala qilish, muloqot odobi to'g'risida yetarlicha tasavvurga ega emas.

«Muloqot» tushunchasining turlicha ta'riflari mavjud. Muloqot ikki yoki undan ortiq odamlar o'rtasidagi bilish yoki affektiv-baholash xususiyatiga ega bo'lgan axborot almashinuvida ularning o'zaro ta'sirlashuvi sifatida ta'riflanadi. Yoki: muloqot – odamlar o'rtasida hamkorlik faoliyati ehtiyojidan yuzaga keladigan va axborot almashinuvi, o'zaro ta'sirning yagona yo'lini ishlab chiqish, boshqa odamni idrok qilish va tushunishdan iborat bo'lgan aloqalarni o'rnatish va rivojlantirishning murakkab, keng qamrovli jarayoni. Bu «muloqot» tushunchasining eng to'liq va aniq ta'rifidir.

Aslida, rasmiy muloqot aksariyat odamlarning hayotida muhim ahamiyatga ega. Chunki istalgan fuqaroning rasmiy idoralarga ishi tushadi. Xo'sh, rasmiy muloqot ko'nikmasini egallash uchun nimalarga e'tibor qaratish lozim?

Rasmiy muloqot hamisha hamkorlik, bir-birini tushunish, suhbatdoshlari manfaatini hisobga olishni talab etadi. Rasmiy muloqotning eng asosiy xususiyati muntazam ravishda reglamentga amal qilish bilan bog'liq.

Rasmiy muloqotning yozilgan va yozilmagan qoidalari mavjud. Bu qoidalar majmui rasmiy etika deyiladi. Rasmiy etika tarkibiga salomlashish, o'zini va hamrohini tanishtirish, taqdimot jarayonida o'zini qanday tutish, belgilangan vaqtda ma'ruzani tamomlash, tashrif qog'ozidan foydalanish, rasmiy yozishmalar, ish yuzasidan esdalik sovg'alarini qanday berish va qabul qilish qoidalari kabilar kiradi.

Rasmiy etikada insonning tashqi ko'rinishi, kiyinishi, suhbatlashish uslubi, hissiyotlarini boshqarish qobiliyatiga alohida e'tibor beriladi. Masalan, rasmiy uchrashuvga sport kiyimida kelish muloqotga yuzaki yondashganlikni bildirsa, o'zidan yosh va maqomi jihatidan katta odam oldida baralla kulish, baland yoki eshitilmaydigan darajada past ovozda gapirish bepisandlik sifatida baholanadi.

Rasmiy etika qoidalarni yaxshi biluvchi kishi noqulay vaziyatga tushmaydi, gap-so'zga qolmaydi.

Rasmiy muloqotda o'ylanmagan yoki bahstlab fikrlar ishlatilishi, jargon, argo, shevaga oid so'zlar, professionalizmlar qo'llanishiga yo'l qo'yilmaydi. Muloqot doirasida qo'llanayotgan tilga oid bilimlarga egalik ham rasmiy etika talablaridandir.

Rasmiy etika, shuningdek, muayyan muloqot jarayonida belgilangan nutqiy qoliplardan foydalanishni talab etadi. Tanishuv jarayonida quyidagicha ifodalarni ishlatish maqsadga muvofiqdir:

- Ruxsatingiz bilan o'zimni tanishtirsam...
- Marhamat, tanishing, bu kishi...
- Juda yaxshi/ma'qul.
- Tanishganimdan xursandman/baxtiyorman.
- Yuzingiz juda tanish, meningcha, avval ham uchrashganmiz.



Bu kabi jumalarni yana davom ettirish mumkin, ammo doim soʻzingiz orqali ifodalayotgan maʼno moʻtadil boʻlishini nazorat qiling. Shuningdek, mazkur ifodalarni qoʻllashda yuz ifodasi, ovozh ohangi, suhbatdoshning ijtimoiy maqomini hisobga olish shart.

Salomlashishning taktil turi milliy anʼanalarga koʻra farqlanadi. Rasmiy muloqot qoidalariga binoan AQShda suhbatdoshlar oʻzini tanishtirishi va qoʻlni qattiq siqishlari lozim. Buyuk Britaniyada esa qoʻlni yengil siqish kerak; shundan soʻng biroz uzoqlashish zarur. Braziliyada qattiq va davomli qoʻl siqish koʻz qarashi bilan birga kechadi. Xitoyda koʻp narsa suhbatdoshlarning yoshiga bogʻliq. Yoshi katta inson bilan birinchi salomlashish kerak: yengil qoʻl siqish va yengil taʼzim, koʻzga qaramaslik shart. Turkiyada qoʻlni qattiq siqish qoʻpollik sifatida qabul qilinadi, shuning uchun u yengil va davomiy boʻlishi lozim. Taylandda esa qoʻl berib koʻrishilmaydi. Sizga qoʻllarini koʻksiga qoʻyib, taʼzim bilan salom berishadi.

Rasmiy etikada ayrim millatlarga xos nutqiy talablar ham mavjud. Oʻzbekona nutq odobiga koʻra, oʻlim yoki kasallik bilan bogʻliq soʻzlarni toʻgʻridan-toʻgʻri ishlatish mumkin emas. Shu kabi misollar boshqa millatlarda ham uchraydi. Vsevolod Ovchinnikovning «Sakura novdasi» kitobida yapon madaniyati haqida quyidagi satrlarni oʻqiyimiz:

«Suhbat jarayonida odamlar «yoʻq», «qilolmayman», «bilmayman» kabi soʻzlarni ishlatishdan qochadi, chunki bu ifodalar haqoratga qiyoslanadi. Ularning mazmunini berish uchun ishora, shaʼmali soʻzlardan foydalanishadi. Hatto ikkinchi piyoladagi choyni rad etish uchun ishlatiladigan «yoʻq, rahmat» jumlasini oʻrniga «shunisi ham juda yoqimli boʻldi» maʼnosidagi ifodani qoʻllashadi.

Agar tokolik tanishingiz sizga «Taklifingizga javob berishdan avval rafiqam bilan maslahatlashishim lozim» degan javobni bersa, uni ayollar tenghuquqligi tarafdori deb oʻylamang. Bu bor-yoʻgʻi «yoʻq» degan keskin javobdan qochish usuli xolos.

Misol uchun, siz yaponiyalik hamkoringizga qoʻngʻiroq qildingiz va u bilan soat oltida, press-klubda uchrashmoqchiligingizni aytdingiz. U «Aaa, oltida? Aaa, press-klubda?» deya tushuniksiz tovushda javob qaytarishga oʻtdimi, «Agar sizga noqulay boʻlsa, boshqa vaqt va joyda suhbatlashishimiz mumkin...» deya uni noqulay vaziyatdan qutqaringiz.

Rasmiy muloqot shakllarining muayyan vaqtda tugallanishi reglamentga amal qilish hisoblanadi va u rasmiy etikaning yana bir muhim talablaridandir. Chunki ishbilarmon va tarbiyali kishilar oʻzining ham, bironing ham vaqtini behuda sarflash notoʻgʻri ish ekanligini yaxshi bilishadi, kunning har soati, daqiqasini avvaldan rejalashtirishadi.

Muloqot insonning ijtimoiy, ongli mavjudot sifatidagi, ong tashuvchi sifatidagi ehtiyojdir. Turli yuksak hayvonlar va odam turmush tarzlarining ikki taraf: tabiat bilan aloqalar va tirik jonzotlar bilan aloqalarga ajralishini kuzatamiz. Birinchi tur aloqalar odam faolligining maxsus turi sifatidagi faoliyat deb nomlangan. Ikkinchi tur aloqalar bir-birlari bilan oʻzaro taʼsirlashuvchi tomonlar axborot almashinuvchi tirik jonzotlar ekanligi bilan belgilanadi. Tur ichidagi va turlararo bunday aloqalar turi muloqot deb ataladi.

Muloqot barcha tirik jonzotlarga xosdir, lekin odam darajasida u eng takomillashgan shakllarga ega boʻladi, nutq vositasida angʻlanadi. Muloqotda quyidagi nuqtai nazarlar ajratiladi: mazmun, maqsad va vositalar.

Insonning nutq faoliyati inson ongining barcha qirralari bilan chambarchas bogʻlangan. Nutq – inson psixik kamolotining, shaxs sifatida shakllanishining qudratli omilidir. Nutq taʼsiri ostida qarashlar, eʼtiqodlar, intellektual, maʼnaviy va estetik hissiyotlar tarkib topadi, iroda va

fe'l-atvor shakllanadi. Nutq yordamida barcha bilishga oid psixik jarayonlar erkin va boshqariladigan tus oladi. SHunday ekan, nutq – bilishga oid psixik jarayon bo'lib, inson tomonidan talaffuz qilinayotgan va eshitib turilgan tovushlar uyg'unligidan iborat, ayni vaqtda shu tovushlarga mos yozuv belgilari tizimi orqali ifodalangan ma'no va mazmunga ega.

Til – shartli belgilar tizimi bo'lib, ularning yordamida odamlar uchun muayyan ma'noga va mazmunga ega bo'lgan tovushlar yig'indisi uzatiladi.

Nutqda alohida insonning ruhiyati ifoda topadi. Nutq xususiy jihatdan alohida shaxsga xos bo'lib, unda alohida olingan insonning psixologiyasi aks etadi, til esa hamma uchun bittadir.

Nutq orqali bildirilgan ishoralar yordamida muayyan predmet, harakat, holat va h.k. ifodalanadi. So'z esa, predmet yoki hodisa to'g'risidagi tasavvur bilan bog'liq.

Umumlashtirish funksiyasi har bir so'z umumlashtirish xususiyatiga ega ekanligi bilan bog'liq, bu esa tafakkurning yuzaga chiqishiga imkon yaratadi. Fikr almashuv, ya'ni muloqot muayyan ma'lumotlarni, fikrlarni, tuyg'ularni odamlar bir-birlariga yetkazib berishdan iborat bo'lgan jarayondir.

Inson nutqining aniqligi cheklangan miqdordagi nutqiy belgilar – turli murakkablikdagi tarkibiy qismlar (tovushlar, bo'g'inlar, so'zlar va gaplar) yordamida insonning cheksiz-chegarasiz turli-tuman fikrlarini, maqsadlarini va tuyg'ularini ifodalash imkonini beradi.

Muloqot mazmuni – bu individualliklararo aloqalarda bir tirik jonzotdan ikkinchisiga yetkaziladigan axborot. Muloqot mazmuniga tirik mavjudotning ichki motivatsion yoki emotsional holati haqidagi ma'lumotlar kirishi mumkin. Muloqot orqali bir tirik mavjudotdan ikkinchisiga, tirik mavjudotni ma'lum tartibda aloqaga kirishishga yo'naltiruvchi, ularning emotsional holatlari (mamnunlik, shodlik, g'azab, qayg'u, hijron va shu kabilar) haqidagi ma'lumotlar o'tishi mumkin. Bunday axborot odamdan odamga etkaziladi va shaxslararo aloqalar o'rnatish vositasi bo'lib xizmat qiladi.

Biz, ochiq ko'ngilli va shodlanayotgan odamga qaraganda, g'azablanayotgan yoki azob chekayotgan odamga nisbatan o'zimizni boshqacha tutamiz. Bir mavjudotdan boshqasiga yetkaziladigan tashqi muhit holati haqidagi ma'lumot, masalan, xavfdan yoki yaqin atrofda ijobiy, biologik muhim omillarning, deylik, ozuqaning mavjudligi haqidagi ogohlantirish muloqot mazmuni bo'lishi mumkin. Odamda muloqot mazmuni hayvonlarnikiga qaraganda ancha kengroqdir. Odamlar bir-biri bilan dunyo haqidagi bilimlar, orttirilgan tajriba, layoqatlar, malaka va ko'nikmalarni jamlagan axborot bilan almashadilar. Inson muloqoti ko'p jisimli bo'lib, ichki mazmuniga ko'ra turli-tumandir.

Muloqot maqsadi – bu insonda ushbu faollik turi yuzaga keladigan sabab. Hayvonlarda muloqot maqsadi bo'lib boshqa tirik jonzotni ma'lum harakatga chorlash, u yoki bu harakatni amalga oshirmaslik kerakligi haqidagi ogohlantirish xizmat qilishi mumkin. Masalan, ona o'z tovushi yoki harakati bilan bolasini xavfdan ogoh etishi mumkin; podadagi ba'zi hayvonlar boshqalarni ularga hayotiy muhim daraklar etib kelgani haqida ogohlantirishlari mumkin.

Odamda muloqot maqsadlari soni ko'payadi. Ularga yuqorida sanab o'tilganlardan tashqari, dunyo haqidagi bilimlarga ega bo'lish va etkazish, ta'lim va tarbiya, odamlarning hamkorlik faoliyatlaridagi turli harakatlarning muvofiqlashuvi, shaxsiy va ish bo'yicha o'zaro munosabatlarning oydinlashtirilishi, o'rnatilishi va boshqalar ham kiradi. Agar hayvonlarda muloqot maqsadlari ular uchun dolzarb bo'lgan biologik ehtiyojlarni qondirishdan iborat bo'lsa,

odamlarda ular ko'plab turli: ijtimoiy, madaniy, bilish, ijodiy, estetik, aqliy o'sish, axloqiy rivojlanish kabi ehtiyojlarni qondirish vositasi bo'lib hisoblanadi.

Muloqot, odatda, beshta: shaxslararo, kognitiv, kommunikativ-axborotli, emotiv va konativ tomonlarining birligida namoyon bo'ladi.

Muloqotning **shaxslararo** tomoni insonning bevosita atrof-muhiti: boshqa odamlar va o'z hayotida bog'liq bo'ladigan umumiyliklar bilan o'zaro ta'sirini aks ettiradi.

Muloqotning kognitiv tomoni suhbatdoshning kim, qanday odam ekanligi, unlan nima kutish mumkinligi haqidagi, shuningdek, sherikning shaxsi bilan bog'liq bo'lgan boshqa ko'pgina savollarga javob berish imkonini beradi.

Muloqotning kommunikativ-axborotli tomoni tasavvurlar, g'oyalar, qiziqishlar, hissiyotlar, mayllar va sh.o' lari turlicha bo'lgan odamlar o'rtasidagi almashinuvdan iborat.

Muloqotning emotiv tomoni sheriklarning shaxsiy aloqalaridagi his-tuyg'ular, kayfiyatning vazifa bajarishlari bilan bog'liq.

Muloqotning konativ (xulq-atvor tomondan) tomoni sheriklar qarashlaridagi ichki va tashqi qarama-qarshiliklarni muvofiqlashtirishga xizmat qiladi.

Muloqot vositalarini muloqot jarayonida bir tirik jonzotdan boshqasiga yetkaziladigan axborotni kodlashtirish, uzatish, qayta ishlash va ochib berish vositalari sifatida ta'riflash mumkin.

Muloqot vositalariga quyidagilar kiradi:

1. Til – muloqot uchun qo'llaniladigan so'zlar, ifodalar va ularni muloqotda qo'llash uchun ma'noli iboralarga birlashtirish qoidalari tizimi, shuningdek, turli ko'rinish va shakllardagi (matnlar, chizmalar, suratlar), axborot yozish, yetkazish va saqlashning texnik vositalari (radio- va videotexnika, yozuvning mexanik, magnitli, lazerli va boshqa shakllari) dagi belgilar tizimlari va yozuvdan iborat.

2. Ohang, emotsional ifodalanganlik, bir xil iboraga turlicha ma'no berishga qodir.

3. Suhbatdoshning mimikasi, gavda holati, nigohi, ibora ma'nosini kuchaytirishi, to'ldirishi yoki rad etishi mumkin.

4. Imo-ishoralar muloqot vositasi sifatida umumiy qabul qilingan, ya'ni, belgilangan ma'noga ega bo'lishi yoki ekspressiv, ya'ni, nutqning ifodaliligini yanada oshirishi mumkin.

5. Suhbatdoshlar muloqotidagi masofa madaniy, milliy an'analarga, suhbatdoshga bo'lgan ishonch darajasiga bog'liq bo'ladi.

Inson o'zining tur ichidagi muloqot usullari va vositalarini tanlashdagi kashfiyotchiligi bo'yicha er sayyorasida bizga ma'lum tirik mavjudotlarni ancha quvib o'tdi.

Muloqot quyidagi bosqichlarga bo'linadi:

- muloqotga bo'lgan ehtiyoj (axborotni yetkazish yoki undan xabardor bo'lish, suhbatdoshga ta'sir ko'rsatish zarur, va h.k.) Boshqa odamlar bilan aloqaga kirishishga undaydi;

- muloqot maqsadlari, muloqot vaziyatini to'g'ri belgilash;

- suhbatdosh shaxsini belgilash;

- o'z muloqoti mazmunini rejalashtirish, odam aynan nima haqida so'z yuritishini tasavvur qiladi (odatda anglanmagan holda);

- inson ongsiz ravishda (ba'zan ongli) foydalanishi mumkin bo'lgan aniq vositalar, nutqiy iboralarni tanlaydi, qanday gapirib, o'zini qanday tutishini o'ylab qo'yadi;

- suhbatdoshning javob reaksiyasini idrok qilish va baholash, qaytar aloqa o'rnatish asosida muloqot samaradorligini nazorat qilish;

- muloqot yo'nalishi, uslubi, metodlariga tuzatishlar kiritish.

Agar muloqot aktining biror-bir halqasi izdan chiqqudek bo'lsa, so'zlovchi muloqotdan kutgan natijalariga erisha olmaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish lozimki, olamning rang-barang va unda kechayotgan voqehodisalarning turli-tuman bo'lgani kabi muloqot vaziyatlari ham turli xususiyatlarga egadir. Ular har xil sharoit, muhitlarda hosil bo'ladilar, muloqot ishtirokchilarining munosabatlari ijtimoiy mavqega bir xilda ega bo'la olmaydi.

Muloqot sharqona tarbiyada axloq ko'rki sanalgan. Sharq mutafakkirlari merosida muloqot – azaldan insonlar o'rtasidagi o'zaro aloqa vositasi bo'lgan. Muloqotning asosiy quroli til hisoblangan. Shuning uchun ham til – aloqa quroli sifatida ta'riflanadi.

Insonning tili shirin, muomala madaniyatiga ega bo'lsa, qisqa vaqt ichida xalq orasida obro'-e'tibor topadi. Ko'p gapirish hech qachon kishiga obro' keltirmaydi. SHuning uchun ham o'tmishda yashab o'tgan mutafakkirlarimiz tilga, aytiladigan har bir so'zga hurmat bilan, o'ylab yondashish lozimligini uqtirib o'tganlar. O'qituvchi "so'z aytishdan avval, har daqiqada so'z ortidan keladigan oqibatlarini o'ylashi (I.P.Pavlov) kerak. Alisher Navoiy o'z adabiy meroslarida muomala madaniyati, xushmuomalalik, tilning ahamiyati to'g'risida, shirinso'zlik haqida noyob fikrlarni bayon qilgan. Bugungi kunda ham bu fikrlar o'z ahamiyatini yo'qotgan emas. "Til shirinligi – ko'ngilga yoqimlidir, muloyimligi esa foydali. SHirin so'z sof ko'ngillar uchun asal kabi totlidir" - deydi alloma.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Shahriyor Safarov. Pragmalingvistika. Toshkent, 2008.
2. Marufjon Yo'ldoshev. Badiiy matn lingvopoetikasi. Toshkent, 2008.
3. Mamajonov A. Abdupattoev M. Matn sintaksisi. Farg'ona, 2002.
4. Hakimov M. K. O'zbek tilida vaqt ma'noli lug'aviy birliklar va ularning matn shakllantirish imkoniyatlari. Farg'ona, 2004.
5. Qo'ng'urov R. Begmatov E. Tojiyev Y. Nutq madaniyati uslubiyat asoslari. Toshkent, 1992.
6. Nurmonov A. Mahmudov N. Ahmedova A. So'lixojayeva S. O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi. Toshkent, 1992.
7. Nurmonov A. Hakimov M. Lingvistik pragmatikaning nazariy shakllanishi. O'zbek tili va adabiyoti. 2001.
8. Abduraxmonov X. Mahmudov N. So'z estetikasi. Toshkent, 1981.
9. O'rinboev B. Qo'ng'urov R. Lapasov J. Badiiy matnning lingvistik tahlili. Toshkent, 1990.
10. Lapasov J. Badiiy matn va lisoniy tahlil. Toshkent, 1995.
11. Александрова О.В., Кубрякова Е.С. Дискурс. В кн.: Категоризация мира: время, пространство. - М., 1991.
12. Алпатов В.М. Система личных местоимений 1-го и 2 - го лица в современном японском языке // Теория и типология местоимений. М.: Наука, 1980.
13. Алпатов В.М. Япония: язык и общество. М.: Муравей, 2003.
14. Андреева Е.С. Диалектика текста. Опыт логиголингвистического синтеза. - М.: УРСС, 2001.

15. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. - М.: Наука, 1974.
16. Апресян Ю.Д. Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира // Семиотика и информатика. 1986
17. Арзикулов Х. Речевая система и её модели (на материале французского языка). Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. - СПб.: СПб. у-т, 1994.
18. J. Lich. Sotsiopragsmatika. 1992
19. S. Levinson. Lingvistika. 1994
20. G. Kasper. Progmalingvistika. 1992

**Мирзаниёз Ражабий Хамидзода**  
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**  
**магистранти**  
**(Ташкент, Ўзбекистан)**

### **НАЗМИЙ ВА НАСРИЙ “АРБАИН”ЛАР**

“Арбаин”лар мавзу доирасига кўра хилма-хилдир. Улардан айримлари алоҳида мавзуларга бағишланган бўлса, масалан, эътиқодга оид қирқ ҳадис, ахлоққа оид қирқ ҳадис, ота-она ҳақларига оид қирқ ҳадис ва ҳоказо. Баъзилари аралаш мавзуларда таълиф этилган. Шунга ўхшаш арбаинларнинг тузилиши ҳам турлича бўлган. Масалан, баъзилари насрда ва яна баъзилари назмда, айримлари эса назму насрда таълиф этилганлигини тадқиқотчилар таъкидлаб ўтишган.

Усмонли турк тадқиқотчиси Маҳмед Эмре ўзининг “Қирқ мавзуда қирқ ҳадис” китобининг муқаддимасида араб ва туркий тилларда “Арбаин” таълиф қилган йигирма икки муаллифнинг номини келтиради<sup>22</sup>. Шунингдек, Маҳмед Эмре ўзлари турк бўлиб, арбаинларини ҳам туркийча назмда тасниф этган муаллифларни ва ўзлари турк бўлиб, арбаинларини арабча тузган муаллифларни алоҳида-алоҳида санаб ўтади.

Маҳмед Эмре ҳижрий II асрдан X асргача бўлган оралиқда (милодий VII – XVI асрларда, аниқроғи, 736–1567 йилларда) яшаб ўтган ва арбаин таълиф этган муаллифлар ҳақида ахборот берган бўлса-да, нима учундир унинг рўйхатида Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий номлари келтирилмаган.

Яна бир усмонли турк тадқиқотчиси Ҳасан Ҳусну Ардам “Илоҳий ҳадислар” китобига ёзган “Ҳадисда арбаин” номли мақоласида арбаин туркумида тўқсонга яқин муаллифнинг асари мавжудлигини айтади<sup>23</sup>.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди картотекаларини кўздан кечирганимизда, 80 га яқин “Арбаин” асарлари қўлёзмалари ва уларнинг бир неча насрий ва назмий нусхалари мавжудлиги маълум бўлди. Шу кунгача нашр этилган каталогларда ушбу қўлёзмалардан фақат баъзилари ҳақидагина қисқача маълумотлар келтирилган бўлиб, аксарият қўлёзмалар уларда ўз аксини топмаганлиги аниқланди.

Жумладан, 1954 йил Тошкентда нашр қилинган СБР (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўплами)нинг II томига Жомий “Арбаин” асарининг фақатгина 2 та қўлёзмаси – 4535-I- ва 1331- рақамли нусхалари<sup>12</sup> ҳамда ушбу каталогнинг 1957 йилда нашр қилинган VI томида 3014-VI- рақамли<sup>13</sup> қўлёзма нусхалари тавсифи киритилган.

Ушбу тўпламларда Алишер Навоий “Арбаин” асарининг 1315-VI-рақамли ва 9762- рақамли қўлёзма нусхалари, 1983 йил нашр қилинган «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи»га 232-, 316-, 8-рақамли қўлёзма нусхалар ҳамда 1989 йили чоп этилган “Қўлёзмалар институти фонди каталоги”га яна 316, 8-рақамли қўлёзма, 2006 йил нашр қилинган “Алишер Навоий номидаги адабиёт давлат музейи қўлёзмалари

<sup>22</sup> Mehmed Emre. Kirk mevzuda kirk hadis. – Istanbul, 1344. – Б. 4-7.

<sup>23</sup> Ҳасан Ҳусну Ардам. Илоҳий ҳадислар. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 10.

каталоги”га 8-рақамли қўлёзма нусха киритилган. Шунингдек, Жомий ва Навоий “Арбаин” асарларининг қўшма китобат қилинган нусхаларининг фонд каталогларида мавжуд 22 та нусхасидан фақат 5 тасигина каталогларга киритилган.

Аслида, ҳозирги кунда фонд картотекаларида Жомий “Арбаин”ининг 12 та қўлёзма нусха ва Навоийнинг “Арбаин” асари қўлёзмаларидан 10 та нусха мавжуд бўлиб, улардан фақат 4 та нусхагина нашр каталогларига киритилган<sup>24</sup>. Булар ҳам кўпчилиги қисқартирилган тавсифлар бўлиб, шу сабабли тадқиқотимиз давомида ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган “Арбаин” асарларининг барча қўлёзмалари рўйхатини аниқладик ва уларни бирма-бир ўрганиб чиқиб, муфассал тавсифларини диссертацияга киритдик.

Ушбу илмий-аналитик тавсифларни тайёрлашда жаҳондаги ушбу соҳа мутахассисларининг тажрибасидан оқилона фойдаланиш асосида муайян илмий тамойилларни ишлаб чиқиб, уларни ўз ишимизда қўллашга ҳаракат қилдик. Масалан, асар бошланишидан бир парчаси ва охиридан бир парчаси араб алифбосида келтирилди. Бундан асосий мақсад бошқа қўлёзма фондларидаги мазкур асарнинг яна нусхалари бўлиши мумкинлигида бўлиб, араб алифбосида келтирилган парчалар мутахассисларга ана шу фарқларни солиштириш имконини беради.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондидаги Жомий “Арбаин”нинг мавжуд 12 та қўлёзмасидан махсус каталог нашрларига кирмаган 8 таси – 282-VI, 1266-II, 6051-III, 3636-II, 3386-XXVII, 2202-I, 5900-I, 10493-XVI рақамли қўлёзма нусхаларининг тавсифини ҳар бир қўлёзманинг хусусиятидан келиб чиқиб маълумот бердик.

Навоий “Арбаин” асарининг қўлёзма нусхаларидан энг қадимийлари ва аҳамиятлилари бу, 97614, 815 ва 316 рақамли 16 қўлёзмалар ҳисобланади. Биз Навоий “Арбаин” асари қўлёзмаларини тавсиф қилишда юқоридаги тамойиллардан келиб чиқиб, каталогларда мавжуд тавсифларни тўлдириб, ҳам кенгайтириб беришни лозим топдик ва уларга каталог тавсифларида қайд этилмаган маълумотларни киритдик. Бундан ташқари, 316 рақами остида сақланаётган Навоий “Куллиёт”и таркибидаги “Хазойин ул-маоний”нинг яхлит бир девон ҳолида китобат қилинган нусхасида 4 девондаги 73 та “Хазойин ул-маоний” қитъалари олдидан 18 та «Арбаин» қитъалари илова қилинганига эътибор қаратдик.

“Арбаин” қитъалари Навоийнинг баъзи терма девонлари таркибига ҳам киритилган. Масалан, XIX аср бошларида Қўқонда китобат қилинган 232-рақамли қўлёзманинг бошида “Бадое ул-бидоя” дебочаси ва “Арбаин” асари ўрин олган. 2017 йил нашр қилинган “Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг шарқ қўлёзмалари” тўплами.

Адабиётлар (Девонлар)» номли каталогнинг I томида 9656-рақам билан берилган Навоий девонининг қўлёзма нусхасида “Бадое ул-бидоя” дебочасидан аввал “Арбаин” муқаддимасидан ўн мисра насрий шаклда (мисраларга ажратилмаган ҳолда) келтирилган. Ушбу мисоллар Навоий “Арбаин”ининг кенг китобхон оммаси ичидаги шухратига яна бир далилдир. Умуман, Жомий ва Навоий “Арбаин”лари қўлёзма

<sup>24</sup> 12 СБР. II том. – Тошкент: Фан. 1954. – Б. 191, – Б. 411. 13 СБР.VI том. – Тошкент: Фан. 1963. – Б. 432.

нухсалари таҳлили уларнинг диёримизда кенг тарқалганлиги ҳамда ўз даври китоб мухлислари доирасида машҳурлик касб этганлигини кўрсатади<sup>25</sup>.

Навоий асарларининг китобат қилиниши турлича бўлиб, бу қўлёзмаларнинг хилма-хил китобат қилиниши турли давр, турли ижтимоий табақаларнинг маънавий дунёси, талаби ва эстетик завқининг маҳсули дейиш мумкин.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган Жомий ва Навоий “Арбаин” асарларининг биргаликда китобот қилинган 2084, 10064, 11342-II, 11703-II, 5726-I, 1821-I, 670-I, 4351-I, 3975-IV, 6236-I, 2634-V, 10007-III, 12654-III, 3303-IV, 8848-I, 3902-V, 9309, 3622, 1235, 106-IV рақамли 20 та қўлёзма нухсалари мавжуд бўлиб, улардан фақат 2084-IV, 9309, 3902, 3622, 106-IV-рақамли 5 та қўлёзма нухса тавсифи юқорида зикр этилган нашр каталогларига киритилган

9309-рақамли қўлёзма 1964 йил нашр қилинган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари тўпламининг VII томига 1306 тартиб рақами билан киритилган тавсифда «ҳар бир ҳадисдан сўнг Жомий ва Навоий таржималари келтирилган, деб қайд этилган. Қўлёзмани кўздан кечирганимизда, бу қўлёзма нухсага Жомий “Арбаин”и киритилмаганлиги, фақат Навоий «Арбаин»и кўчирилганлиги маълум бўлди.

Изланишларимиз натижасида, республикамиз қўлёзма фондларида сақланаётган нашр каталоглари тавсифига кирмаган Жомий, Навоий «Арбаин» асарларининг биргаликда китобот қилинган 10064, 11342-II, 8848-I, 35 КП-4096 рақамли 4 та қўлёзма нухсалар аниқланди уларнинг тўлиқ тавсиф ва таҳлили қуйидаги тартибда берилди.

Мисол учун, Жомий ва Навоийнинг “Арбаин” асарлари биргаликда альбом тарзида китобот қилинганларидан бири 11342-рақамли қўлёзма нухса бўлиб, у “Арбаиния манзума Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий” номи билан Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади.

Ушбу қўлёзмада 40 та ҳадис ва унинг назмдаги шарҳи форс-тожик, туркий чиғатои тилида кетма-кет берилган. Қўлёзма эътиборли, қадимий нухсалардан ҳисобланади. Бу Абдулқодир ҳамда *ضرح لاصيدۃ ربيبيۃ* *مسرع انحسبت ضرح دلانم انخترات* *عبد انميدر انجلوى* *لصيدۃ غنثيۃ* каби қўлёзма қилинган китобат билан асарлар каби *لصيدۃ غنثيۃ* нинг *عبد انميدر انجلوى* Жилоний Қўлёзма номаълум котиб томонидан ҳижрий 1271 йили кўчирилган. Қўлёзма чиройли эрон насталиқ хатида Шарқ қоғозига ёзилган.

Асар муқаддима, асосий матн ва хотимадан иборат. Асар матни қора сиёҳда, ҳадислар қизил сиёҳ билан ёзилган. Жадвалга олинмаган. Бир устунли, 8 йўл, саҳифа ўртасида Жомийнинг “Арбаин” – “Чиҳил ҳадис”и, хошияда эса Навоийнинг “Арбаин”и ёзилган.

Варақлар уринмаган, пойгир бор. Варақлар сони – 5 (108а–112а) та. Матн ўлчови – 20х9. Қўлёзма ўлчови – 28,5х16,5. Қўлёзма нухса Жомий Арбаинининг муқаддимаси

<sup>25</sup> СБР. VII Том, Тошкент. Фан 1964. (5326-рақамли қўлёзма). М. Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: Фан. 1983. Б.177-178. Каталог фонда институти рукописей. 1 том. – Тошкент: Фан. 1989. С. 11-12. М. Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: «Фан», 1983. – Б. 20.



билан бошланган бўлиб, Навоий асари илова қилинган<sup>26</sup>. Диссертацияда матн бошланиши ва тугалланишидаги жумлалар ҳамда колофонлар бевосита араб ёзувида келтирилган<sup>27</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қўқон Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида ягона нусхада 35 КП-4096 рақами остида Жомий ва Навоийнинг “Арбаин” асари сақланмоқда. Бу қўлёзма ноёб нусхалардан бўлиб, матншунослик, манбашунослик фани ва хаттотлик, китобот санъати учун ҳам эътиборли манбадир.

Қўқон давлат адабиёт музейида ягона нусхада сақланаётган ушбу қўлёзма тугалланмаган мажмуа сирасига кирса-да, XIX аср китобот санъти намунасига оид ноёб нусхалардан ҳисобланади. Шунингдек, матншунослик, манбашунослик фани, хаттотлик, зийнатли китобот санъати учун ҳам бебаҳо манбадир. Мазкур қўлёзма нусхалар хаттотлик ва китобот санъатининг ўзига хос намуналари бўлиб, ҳар қандай китобхонни ўзига жалб қилади. Котиб ва саҳҳофнинг чиройли дид билан ишлаган китоблари, аввало, халқнинг ҳадисларга бўлган эътибори ҳамда шеърятга бўлган муҳаббати маҳсулидир.

“Арбаин”лар ҳақидаги тасаввурлар мукамал бўлиши учун биз тадқиқот давомида Жомий ва Навоий “Арбаин”ларидан ташқари яна Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзма фондларида сақланаётган Абу Закариё Муҳйиддин Яхё ибн Шарофуддин Нававий (631–676 / 1233–1278)нинг “Арбаин ан-Нававий” (12 нусхада), Маждиддин Шароф бин Муҳйиддин Бағдодийнинг «Арбаъин», Жалол бин Муҳаммад бин Убайдуллоҳ Қойиний Бухорий Ҳиравийнинг “Арбаъин фи-л-ахлоқ”, Муҳаммад бин Абу Бакр Усфурийнинг “Арбаъин Усфурий”, Амир Сайид (бин) Алий Шаҳоб Ҳамадонийнинг “Чиҳил ҳадис дар сифат фуқаро”, “Арбаин ал-Олий”, “Арбаин ал-Лолий” (жами 5 нусхада), Шайх Муҳаммад Мосавийнинг “Арбаин ал-мавсум би шифаи ал-қулуб”, Муҳаммад Номроднинг “Арбаъиния” ва “Чил ҳадис манзума” (2 нусхада), Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Ҳасан Алий Ўшийнинг “Арбаъин ҳадисан”, Закиддин Абу Муҳаммад Абдулазим Қавий бин Абдуллоҳ Маҳтадийнинг “Арбаъин фи истиноиън”, Мир Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуронийнинг “Чил ҳадис” (5 нусхада), Фасиҳ Диннинг “Чиҳил ҳадис” (2 нусхада), Сайид Аҳмад Васлий Самарқандийнинг “Чиҳил ҳадис”, Абдулжалил ибн Муҳаммад Иброҳимнинг “Чиҳил ҳадис таржимаси”, Абдуллатиф бин Шайх Сулаймон Турбатийнинг “Чил ҳадис манзума”, XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқонда яшаб ижод этган шоир, Муқимийнинг замондоши Муҳаййирнинг “Чил ҳадис” (Пуроний асарининг таржимаси), Муҳаммад Мурод Мавлоно Шомийнинг “Чил ҳадис” каби араб, форс ва ўзбек тилларида яратилган асарларини имкон даражасида мукамал тавсиф қилиб уларни иловада келтиришни лозим кўрдик.

Ўзбекистон қўлёзма фондларидаги “Арбаин” асарларининг насрий ва назмий қўлёзма нусхаларини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш шуни кўрсатдики,

<sup>26</sup> (2084-IV) – Каталог фонда институти рукописей. I том. – Ташкент: Фан, 1989. С. 57. (9309) – СВР. VII Том, – Тошкент. Фан 1964. С.145; (3902-V) – СВР. II Том, – Тошкент. Фан 1954. Б. 231; (3622) – СВР. II Том, – Тошкент. «Фан» 1954. С.215; (106-IV) – М. Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: Фан. 1983. Б.178-179.

<sup>27</sup> Қаранг: СВР. VII Том, – Ташкент. Фан 1964. Б. 144-145. ШҚФ – 9309

биринчидан, бундай қўлёзмалар жуда кўп, хилма-хил шакл ва мазмунга, наср ва назмда ёзилиши билан бирга турлича мавзу йўналиши ва ўзига хос ёндашувларга эга экан.

Улар, асосан, араб, форс-тожик ва туркий тилларда ёзилган бўлиб, энг машхурлари (яъни энг кўп кўчирилганлари) араб тилида Нававийнинг, форс-тожик тилида Жомий, туркий тилда Навоийнинг “Арбаин”лари экан. Демак, “Арбаинлар”нинг ҳам назмий, ҳам насрий асарлари бирдай аҳаммиятга эга.

Холмурадова Жамила Ирметовна  
Профессор  
Тошкент архитектура қурилиш институти  
(Тошкент, Ўзбекистон)

### ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИ ЛЕКСИКАСИДАГИ АДАБИЙ ТИЛ ВА ШЕВАДА СЕМАНТИК ФАРҚЛАНУВЧИ СЎЗЛАР

**Аннотация.** Мақолада Хоразм достонлари лексикасидаги айрим сўзларнинг адабий тил ва шевага хос ҳолатлардан семантик фарқланиши ҳақидаги мулоҳазалар атрофлича изоҳланади.

**Калит сўзлар:** Хоразм, фольклор, достон, шева, лексика, адабий, бадиий, лексика, адабий, тил, стилистик, семантик, маъно.

**Аннотация.** В статье комплексно комментируются мысли о особенностях и типах хорезмских поэм.

**Ключевые слова:** Этнокультурный, Хорезм, фольклор, поэма, южный, северный, языковой, художественный, лексика, литературный, язык, стилистический, литературоведение, языковедение.

**Annotation.** In this article the ethno cultural peculiarities and types of Khorazm's epics are clarified.

**Key words:** Ethno cultural, Khorazm, folklore, epics peculiarities, south, north, linguistic, literary, lexica, language, literature, linguistics

Маълумки, сўзлар достон тилида аввало номинатив-тасвирий функция бажариши билан характерланади. Достонда кечган воқеа-ҳодисалар, уларда иштирок этган персонажлар хатти-ҳаракати, уларнинг муносабати, ўзаро суҳбатлари, улар тушиб қолган шароит ва вазият тасвирига ҳамда бу тасвирлари тингловчига етказишга хизмат қилувчи лексик бирликларни қўлланишига кўра достонлар матнида адабий тилда ва шеваларда мавжуд бўлиб, маънода фарқланувчи (ёки маъно доираси кенгайган) сўзлар тартибида ҳам гуруҳларга бўлиб ўрганишни тақозо қилади. Лексик бирликларнинг бу маъноларини тузилажак изоҳли луғатда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шундай сўзлардан бири адабий тилда мавжуд бўлган **тоза** сўзидир. Бу сўз "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да тасвифланган *озода, покиза, соф, асил, пок, жуда ҳам, роса, намунали* маъноларидан ташқари *чиройли, гўзал, ихчам, янги, оппоқ, мафтункор* маъноларини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади: 1) *чиройли, гўзал, ихчам, оппоқ, мафтункор* маънолари устун: *Кўрўглининг эки кўзи Қирмондалининг оқ билакинда, тоза бўқоқинда* (Хўжез бахши, Хирмондали, 16-бет). 2) *чиройли, гўзал, янги* маъноларида: *Боғбон бўлиб терсам тоза гулингдан* (Хўжез бахши, Хирмондали, 42-бет).

Шимолий Хоразм шеваларида эса **тоза** сўзи кўп ҳолларда шахсга нисбатан қўлланилиб, ижобий хусусиятни белгилашга хизмат қилади. Жумладан, *беғубор, очиккўнгил, ишончли соғлом, пишиқ, пухта, қинғир йўлларга юрмайдиган, ҳаром-ҳариш*

ишлардан узоқ юрувчи киши маъноларида ишлатилади. Масалан, 1) беғубор, очикқўнгил: *Нишетсага тоза одам-го, ҳеч ёмон хиёлга бормийди.*

2) ишончли пишиқ, пухта: *Унга ишонса бўлади, тоза одам.* 3) пишиқ, пухта, яхши: *У тоза ишлийди.* 4) соғлом, қинғир йўлларга юрмайдиган, ҳаром-ҳариш) ишлардан ҳазар қиладиган одам маъноларида: *Улар суяги тоза одамлардан.* Бундай мисолларни мазкур шевада ва дostonларда анча учратиш мумкин.

Шимолий Хоразм дostonларида ҳам, шеваларида ҳам, адабий тилда ҳам мавжуд бўлиб, маъно жиҳатидан фарқ қилувчи (ёки маъно доираси кенгайган) сўзларни ифодалаган маъноларига кўра турлича мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганиш лозим бўлади:

**1. Предмет (нарса) номлари:** *кавак* - чуқурча, бўшлиқ, ин, уя маъноларидан ташқари Шимолий Хоразм дostonларида хилват жой маъноларида ҳам келади: *Гўрўгли ҳалиги отлининг изини олип боравирди, борип бир тоғдинг кавагина кирди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 26-бет).

**Коса** - пиёлаган каттароқ идиш: *тарвуз ёки ҳандалакнинг ярим, баъзан чорак палласи: бош косаси* (анат)дан фарқли мазкур дostonлар тилида ва маҳаллий шевада чой ичишда қўлланиладиган *идиш* - пиёла маъносида ишлатилади. *Бешигина беш коса ароқ соп берди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 4-бет).

«Хирмондали» дostonининг Хўжез бахши вариантыда Гўрўглининг номи *Кўрўгли*, Хирмондалининг номи эса *Қирмондали* тарзида қайд этилган.

**Нор** - арабча эркак туя, бадандаги туғма қизғиш доғ, исм, ўт, олов, анор маъноларидан ташқари, катта, улғ, бирон машғулот ва касб-хунар эгаси, бошлиқ, раҳбар, хўжайин, кўпчиликни ўзига эргаштира олувчи киши маъноларида келади: 1) *катта: Ғиротга минганда нор кўзим-мастон* (Хўжез бахши, Хирмондали. 16-бет). *Мастон кўзим нор очилур* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 17-бет). 2) бошлиқ, раҳбар, хўжайин, кўпчиликни ўзига эргаштира олувчи киши: *Авазжоним ғўч йигитлар нориди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 5-бет).

**2. Мавхум номлар:** *Дам(и)* - 1) нафас, тин, сўлиш, ишдан бўш вақт, истироҳат, ором, ҳордиқ, тўпланган ҳаво ёки газ, тафт, иссиқ, ҳарорат, буғ, ҳовур. 2) он, лаҳза, кез, пайт, гоҳ, гоҳо. 3) кўрага, ўчоққа ҳаво юборадиган гармонсимон асбоб. 4) чет, қирғоқ. 5) асбобнинг ўткир томони, тиғи маъноларидан бошқа чангал, тузоқ, исканжа маънолари учун ҳам ишлатилади: *Тушдим Лойхўрдинг гамина* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 24-бет.). *Бу пошшо ойтди: "Ай, Арслонбой, бу қизинг егди ёшинан ўн саккиз ёшина чиққанчалли гамина тушган уч юз олтмиш полвон йигитларди ўлтирди. Ўзи қоон, ўзи пошшо бўлди"* (Хўжез бахши, Хирмондали, 56-57-бетлар).

**Нишон(а)** - белги, аломат, из, асар, мўлжал, шахс исми, мевали дарахтнинг илк меваси ва яна далил, исбот маънолари ҳам мавжуд: 1) *Қирилган бўлса уннан нишоно йўқма, деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 14-бет.). 2) *Нишонасина қулоқ-мурнини келтирдим, - деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 14-бет.).

**3. Белги-хусусият ифодаловчи сўзлар -ёмон** - сифати, нави паст, яхши эмас, ахлоқи, феъли атвори бузук, ярамас, нохуш, ёқимсиз, кўнгилсиз, зарарли, разил, оғир, хатарли, қаттиқ, паст баҳо, адабсиз гап кабилардан ташқари жуда, роса, ниҳоятда маъносида ҳам келади: *Кўрўглининг бу сўзина паризотнинг ёмон қаъри келди* (Хўжез бахши, Хирмондали, 21-бет).

**Ожиз** - жисмоний жиҳатдан кучсиз, заиф, бўш, бекувват, нотавон, ноилож, кўриш қобилиятини батамом йўқотган кўр сингарилардан ташқари паст маъносида: *Кун гунорта бўлган вахтда Гўрўғли Лойхўрға ожиз келди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 23-бет). *Карам султон ўзининг ожиз кегани Ошиқ Ойдин пирға маълум эканини пайқади* (Хўжез бахши, Хирмондали, 44-бет).

**4. Ҳаракат-ҳолат ифодаловчи сўзлар:** **Ёздирмоқ** дастурхонни ёздирмоқ, оёқ чигилини ёздирмоқ. Достонларда ечмоқ маъносида учрайди: *Дўхтирлар Ҳасанхондинг алдиннан чуволди ёздирип олди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 14-бет).

**Кўпирмоқ** - ўта мақтанчоқ, мақтанчоқлик қилмоқдан ташқари тўлиб-тошмоқ, кучкувватини кўз-кўз қилмоқ, намойиш қилмоқ маъноларида: *Қирқ йигит кўпирип отланип қўявирди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 15-бет). *Гўрўғли узоқдан оёқ остина қарамай, от минан бостирип, кўпирип-тошип келавирди* (Хўжез бахши, Хирмондали, 49-бет).

**Қирилмоқ/қирмоқ**, - уришмоқ, жанжаллашмоқдан фарқли кўпчиликнинг бирданига вафот этиши, ёппасига ўлиши ёки ўлдирилиши ҳам тушунилади: *Қирқ йигитим қирилип қолди, -деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 27-бет).

*Митиқ ойтир ўқим ёмон,*

*Ғанимларди қўйман омон,*

**Қирарман** жонни беғумон -

*Пилтамни ўт олан чоқда*

(Худирган бахши, Қирқ минглар, 16-бет).

**5. Вақт билдирувчи сўзлар:** **Оқшом//оҳшом** - қуёш ботиши билан тун бошланиши ўртасидаги ғира-шира ёруғ пайт, кеч, кечкурун. Достонларда ҳам, шевада ҳам бу сўз фақат кеча, олдинги кун маъносида келади: *Гўрўғли қирқ йигитиминан оҳшом шўрда бўлди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 14-бет).

**6. Ўрин-жой маъноли сўзлар.** **Ич(и)** - ички бўшлиқ, ошқозон, қорин, юрак, дил, қалбдан ташқари ора(си), ўрта(си) маънолари келади: *Бу беш отлининг ичинда бирави "Хабаринг бер, не кўрдансан?" - деди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 1-бет).

**Сирт(и)** - нарсаларнинг ташқи томони, ташқи юзи, тизма тоғ чўққилари билан бирга уст, юқори, юза қисми ва ғойибона, изидан каби маъноларни ҳам ифодалаш учун хизмат қилади: 1) уст, юқори, юза қисми: *Гўрўғли бир кийикди Доғистаннан отип ол оттинг сиртина бўктариб юриб иди* (Худирган бахши, Қирқ минглар, 3-бет). 2) Изидан, орқаворотдан: *Пошшо сиртиннан от-овозасини эшитар иди*. (Хўжез бахши, Хирмондали, 56-бет).

